O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 42 (148)-сон, 2006 йил 26 октябрь | www.21asr.com

ИҚТИСОДИЁТ

3 Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири фермерларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир

САНОАТ

4 Кейинги йилларда газ конларидаги технологик жараёнларни такомиллаштириш эвазига **22 млрд. 800 млн.** сўмлик иқтисодий самара олинди



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

7 Россия ҳудудида фаолият кўрсатаётган ноҳукумат ва нотижорат ташкилотнинг атиги **91 таси** рўйхатдан ўтказилган, холос

Халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўлида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 25 ОКТЯБРДА «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ ПАВИЛЬОНЛАРИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН «UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO-2006» ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАРНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Анна ИВАНОВА, Ғулом МИРЗО, ЎзА мухбирлари

Давлатимиз раҳбари кўргазма экспозицияларини кўздан кечирди. Бу ерда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, ун ва ем ишлаб чиқариш, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоқлаш-ўраш линиялари, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий моддалар, қорақўлчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжаликлари учун ускуналар кенг намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз азал-азалдан ширин-шакар, экологик тоза мева ва сабзавотлари билан машҳур. Бугунги кунда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича нафақат МДҲда, балки дунёнинг кўпгина мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Бу давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш асосида тармоқда кенг кўламли тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга қаратаётган улкан эътибори натижасидир. Ислоҳотлар деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилишига, ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлишига қаратилган. Юртимизда фермерлик ҳаракати кенгаймоқда, кичик бизнес корхоналари сони ортмоқда, бу эса етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга, унинг сифатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ республика агросаноат мажмуи экспорт салоҳиятини ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш, яъни ҳосилни йиғиб олиш билан чекланмасдан, маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлаш босқичигача етказиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси энг замонавий минитехнологиялар ва ускуналарга эга бўлиши, улар ёрдамида маҳсулотни тез ва сифатли қайта ишлай олиши зарур.

Бу муҳим муаммо ўз ечимини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги қарорига кўра "Ўзэкспомарказ"да моҳияти ва кўлами жиҳатидан ўзига хос бўлган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Унда дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 компания иштирок этмоқда. Улар орасида Германия, Исроил, Италия, Хитой, Польша, Россия, Туркия, Франция вакиллари бор.

Давоми 2-саҳифада.

Солиқ ЗОИР олган суратлар

«Ўзэкспомарказ» павильонларида

Вешняков Тошкентда

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАР БЕРИШИЧА, АЛЕКСАНДР ВЕШНЯКОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗАУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ БИЛАН УЧРАШДИ

Унда икки мамлакат Марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, сайлов технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда сайлов қонунчилигини демократлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисида протокол имзоланди.

Ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон ва Россия Марказий сайлов комиссиялари раҳбарлари томонидан имзоланиши икки давлат Президентлари Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувларида эришилган келишувлар, жумладан, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давомидир.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлигимизни юқори баҳолайман, — деди Александр Вешняков журналистларга берган интервьюсида.

Қизғин муҳокамалардан сўнг

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ 2007 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИНИ МАЪҚУЛЛАДИЛАР

Давлат органларининг халқ вакиллари — депутатлар олдида ҳисоб беришлари мамлакатимизда одатий ҳолга, ҳатто қонунчилик механизмининг таркибий қисмига айланиб қолди. Фракция мажлисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Баҳром Ашрафхонов 2006 йилда бюджет ижроси, 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида ҳисобот бераркан, 2006 йилнинг 9 ойида Давлат бюджети кутилган 1 фоизли тақчиллик ўрнига ЯИМга нисбатан 0,1 фоизли профицит билан ижро этилганини таъкидлади. Бу иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар ва солиқ сиёсатининг такомиллаштирилиши натижасидир.

Жорий йилда корхоналарнинг даромадларидан бир трлн. 50 млрд. сўм миқдорида солиқ йиғиб олиниши кўзда тутилган. Ягона солиқнинг 15,2 фоиздан 12 фоизга туширилиши Давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатмасдан, 59 млрд. сўм маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини беради. Жисмоний шахслардан йиғиладиган солиқ эса тизимнинг такомиллашуви натижасида 13 млрд. сўм маблағнинг фуқаролар қўлида қолиши кутилмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланишида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тамойилига амал қилган ҳолда республикамизда ижтимоий лойиҳаларга жуда катта маблағ — бюджетнинг ярми ажратилади. Бу қатор хорижий экспертлар томонидан ҳам ижобий баҳоланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2006 йил охиригача ушбу соҳага 2 трлн. 226 млрд. сўм, яъни бюджетнинг 51 фоизини йўналтириш кўзда тутилган. Эътибор беринг: бу маблағнинг ярмидан кўпи, яъни бир трлн. 309 млрд. сўми келажагимиз пойдевори саналган таълим тизимини такомиллаштиришга жалб этилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимига эса йил охиригача 501 млрд. сўм маблағ сарфланади.

Давоми 2-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

ЯПОНИЯГА ЯДРО ҚУРОЛИ КЕРАКМАС

"Новости" РИА тарқатган хабарга қараганда, Япония ядро қуролини яратиш учун ҳамма имкониятларга эга, аммо уни ишлаб чиқариш ниятида эмас.

Чоршанба куни Токиода бўлиб ўтган матбуот анжуманида Миллий мудофаа бошқармаси директори Фумио Кюма шундай баёнот берди. "Ракетасозлик соҳасида бизда илғор технологиялар ва муайян имкониятлар мавжуд, шунинг учун ҳам ядро қуролини ишлаб чиқариш салоҳиятига эгамиз. Аммо бу ишни қилмаймиз", - деди у.

ММБ директори Япония ҳукуматининг "учта ядросиз тамойил"га (ядро қуролига эгалик қилмаслик, уни ишлаб чиқармаслик ва бошқа давлатлардан олиб келмаслик) қаттиқ риоя қилиш сиёсатини таъкидлаб ўтди.

Кейинги пайтда мамлакат ташқи ишлар вазири Таро Асо жорий йилнинг июль ойида ўрта ва олис масофаларга мўлжалланган баллистик ракеталарни учирган, шунингдек, октябрь ойи бошида ядро синовини ўтказган КХДР томонидан туғилган аниқ хавф-хатар туфайли дунёдаги вазият ўзгарганлиги муносабати билан "Биз ядро қуролига эга бўлишимиз ёки бўлмаслигимиз ҳақидаги баҳс-мунозараларни тақиқлаш керак эмас", - деб бир неча маротаба баёнот берган эди. Ўтган ҳафтада эса бош вазир Синдзо Абэ ядро қуролига эга бўлиш масаласида ҳукумат ягона позицияда туриши лозимлигини айтди.

МАСХАДОВНИНГ ХОЛАВАЧЧАСИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

«Эхо Москва»нинг хабар беришича, 24 октябрь куни Швецияда Аслан Масхадовнинг холаваччаси Магомед Успаев суд қарорига асосан қамоққа олинган.

Россия маъмурлари Успаевни экстрадиция қилиш талабини қўйишди. У 1999 йили Чеченистонда ИТАР-ТАСС агентлигининг фотомухбири Владимир Яцинани ўғирлашга дахлдор бўлган, деб ҳисоблашаяпти. Успаевнинг ўзи жанговар ҳаракатларда иштирок этганини тан олмоқда, аммо журналистнинг ўғирланишига бош қўшганини рад қилмоқда.

29 яшар Магомед Успаев Швецияга 2002 йили борган, орадан икки йил ўтгач эса яшаб қолиш учун рухсат олишга муваффақ бўлган эди. Уни экстрадиция қилиш масаласини Швеция ҳукумати кўриб чиқади.

Эслатиб ўтамиз: ИТАР-ТАСС фотомухбири Владимир Яцина Чеченистонда 1999 йил 19 июлда ўғирлаб кетилган эди. Гувоҳларнинг гапига қараганда, кейинчалик тутқунликдан озод бўлган фотомухбир 2000 йил 20 февраль куни гаровдагиларни кузатиб бораётган жангарилар томонидан ўлдирилган. Касаллик туфайли тинка-мадори қуриган Яцина асирларнинг асосий гуруҳидан орқада қола бошлагач, отиб ташланган.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

МАНФААТДОРЛИК БИРЛАМЧИ

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Сиёсий таълим марказлари фаолиятини жонлантиришга киришди

СОХТА АЙБ

Андижонлик тадбиркор Ҳусанбой Тешабоевни 2 йилдан буён сарсон қилмоқда...

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 24 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	934,63	1 Миср фунти	215,04	1 Польша злотийси	403,03	10 Жанубий Корея вони	12,86
1 Англия фунт стерлинги	2312,43	1 Исландия кронаси	18,13	1 СДР	1812,20	10 Япония иенаси	104,15
1 Дания кронаси	208,91	1 Канада доллари	1092,05	1 Туркия лираси	845,03	1 Россия рубли	45,75
1 БАА дирҳами	335,46	1 Хитой юани	156,01	1 Швейцария франки	980,07	1 Украина гривнаси	243,97
1 АҚШ доллари	1232,05	1 Малайзия ринггити	335,39	1 ЕВРО	1556,70		

ИСЛОҲОТ

ЗАМОНАВИЙ минитехнологиялар сифатли, рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг гаровидир

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўлида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Дунёдаги энг яхши техника билан танишиш ва уларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш учун кўргазмага мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 3 мингдан ортиқ фермер, агрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари ташриф буюради. Харидларни молиялашнинг энг фойдали шартлари хусусида кўргазманинг ўзида уларга Ўзбекистон тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари мутахассислари маслаҳатлар бермоқда. Шартномаларни расмийлаштириш ҳамда сотиб олинган ускуналарни республиканинг исталган жойига етказиш борасида ёрдам кўрсатилмоқда.

Президент Ислом Каримов кўргазма доирасида фермерлар учун ташкил этилган семинар иштирокчилари билан учрашди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди. Кўргазма-савдо жараёнида замонавий техника ва технологияларни харид қилаётган фермерларимиз ўзи сарфлайдиган ҳар бир сўм эртага ўн баравар бўлиб қайтишини назарда тутмоғи зарур.

Бунинг учун фермер техникага харидор бўлиш асосида унинг энг замонавийсини, ўзини ҳар жиҳатдан оқлайдиганини танлаши лозим. Шунингдек, бундай минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилишда фермер нафақат ўз ҳисоб рақамидаги маблағлардан, балки банклар кредитларидан ҳамда лизинг усулидан самарали фойдаланмоғи даркор.

Энг муҳими, деҳқон ва фермерларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотларни фақат хомашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида ҳам сотиш ва шу орқали катта даромад олиш имкониятига эга бўлсин.

Юртбошимиз замонавий билимларни эгаллаётган бугунги ёшларимиз илғор техника ва технологияларни ўзлаштиришда ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини алоҳида таъкидлади. Шу маънода ушбу кўргазмада намойиш қилинаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан ёшларимиз яқиндан танишишлари айни муддао бўлур эди.

Мазкур кўргазмада қатнашиш хорижий компаниялар учун ҳам фойдали. Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, бу ерда мисли кўрилмаган қулай шароитлар яратилган. Улар ўз ускуналарини Ўзбекистон ҳудудига божхона тўловисиз олиб кириш имтиёзига эга бўлиб, сотиш эса қўшимча қиймат солиғи тўламай амалга оширилади. Бундан ташқари, "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазма павильонлари уларга бепул тақдим этилган.

Мамлакатимиз раҳбари Германия, Австрия, Италия, Франция, Швеция, Польша, Россия компаниялари ва фирмалари маҳсулотлари билан танишиш чоғида улар намойиш этаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилиш билан кифояланиб қолмай, балки узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди.

— Кўргазмага келган фермерлар Минск ва Харьков трактор заводларининг маҳсулотларини таққослаб кўриши, уларнинг қайси бири бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга кўпроқ мос келишини ўрганиши лозим, — деди Ислом Каримов.

Юртбошимиз Хитой, Жанубий Корея, Туркия компания ва фирмаларининг кўргазмада намойиш этилаётган техника ва ускуналарини ҳам кўздан кечирди.

"Uzbekistan Agrominitech Expo-2006" кўргазмасининг асосий натижаси фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари ўзлари танлаган ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишидан иборатдир. Пировардида деҳқонларимиз ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаш, экспорт таннархини ва даромадларини ошириш имкониятига эга бўлади.

Эътиборли томони шундаки, 10 ноябрдан бошлаб ушбу кўргазма фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдо сифатида ўз ишини давом эттиради.

— Бундай кўргазмалар дунё билан, дунёнинг энг илғор технологиялари, замонавий ускуналар билан танишиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир, — деди Президентимиз. — Ушбу минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш билан чекланмай, бундай техника воситаларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришни, уларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйишни ўйлашимиз зарур.

Кўлами жиҳатидан ноёб бўлган мазкур халқаро кўргазма-савдонинг ташкил этилиши мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарининг кенг тармоғини янада ривожлантириш учун хизмат қилади. Бу экспорт ҳажми, халқимиз фаровонлигини ошириш ва жаҳон хўжалик муносабатларида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтиришга кўмаклашади.

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА

Қизғин муҳокамадан сўнг

Баҳром Ашрафхонов ҳисоботи O`zLiDePчиларни қаноатлантирди. Чунки...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Мажлисда 2007 йилда қутилаётган бюджет прогнози ва унинг ижроси бўйича лойиҳа фракция аъзолари эътиборига ҳавола этилди. Таъкидланишича, келгуси йилда ҳам иқтисодиётнинг давомли ўсиши натижасида бюджет даромадлари 7 трлн. 543 млрд. сўм бўлиши кутилмоқда. Бюджет харажатларининг умумий ҳажми эса 7 трлн. 776 млрд. сўм миқдорида белгиланган.

Мутахассисларнинг фикрича, келгуси йилда ҳам қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган субъектларга нисбатан имтиёзлар кўпайтирилади. Аҳолининг реал даромадлари 17 фоиз ортиши кутилмоқда. Бюджетдан бир трлн. 700 млрд. сўм маорифга жалб этилса, соғлиқни сақлаш тизимига 633 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган.

Б. Ашрафхонов, шунингдек, солиққа тортиш тизимининг такомиллаштирилиши натижасида 2007 йилда бу соҳадаги ўзгартиришлар моҳияти ва унинг бюджетга таъсири ҳақида ҳам батафсил маълумот берди. Энг аввало, мамлакатимизда қабул қилинган солиқ концепцияси асосида келгуси йилдан юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиздан 10 фоизга туширилади. Бу 37 млрд. сўмлик маблағнинг кичик бизнес субъектлари ихтиёрида қолишига имкон беради, деганидир. Яна бир янгилик. Келгуси йилдан бошлаб банк ва суғурта компаниялари 17 фоизли солиқ тўлашга ўтадилар. Бунинг фарқи шундаки, солиқлар ҳисоблаб чиқилаётганда, иш ҳақи жамғармаси ҳисобга олинмайди.

Шундан сўнг фракция аъзолари тақдим этилаётган бюджет лойиҳасини муҳокама қилдилар. Айрим депутатлар савдо, умумий овқатланиш соҳаларида солиқларнинг товар айланмасидан тўланиши тизимининг қанчалик самарадор эканлиги билан қизиқдилар. Хусусан, депутат Фурқат Хатамов 2000-2001 йилларда қўлланилган бу усул яна солиқ тўловчиларнинг умумий товар айланмаларини оширишга олиб келмасмикан, деган саволни ўртага ташлади. Молиячиларнинг сўзларига қараганда, сўнгги йилларда такомиллашиб бораётган солиқ тизими ва тадбиркорларга яратилаётган қулайлик ва эркинликлар бундай оқибатларга олиб келмайди.

Узоқ муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари 2007 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини маъқулладилар. Депутатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ҳамда Жиноят, Маъмурий жавобгарлик кодексларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳалари юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

УРУҒЧИЛИК

Сифатли уруғ — мўл ҳосил гарови

ЎзА

Қўқон шаҳридаги «2-пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти бу йилги пахта ҳосилини қайта ишлашга киришди. Ўтган йили бу ерда хорижий технология асосида уруғлик чигит тайёрлайдиган янги корхона ишга туширилди. Натижада шу ернинг ўзида фермер ва ширкат хўжаликларига сифатли уруғлик етказиб бериш имконияти юзага келди. Акциядорлик жамияти томонидан жорий йилда Бувайда ва Учкўприк туманларидан 42 минг 631 тонна пахта хом ашёсини қабул қилиш режалаштирилган. Бувайда туманидаги «Яккатол-Файз» фермер хўжалиги бу йил давлатга режадаги 60 тонна уруғлик пахтани ўз вақтида етказиб берди. Учкўприк туманидаги «Ҳакимбой» фермер хўжалиги ҳам 55 тоннадан ортиқ сара уруғлик пахта етиштириб, зиммасидаги мажбуриятни ортиғи билан адо этди. Топширилган ҳосил ҳар томонлама давлат стандартига мос экани аниқлангач, ушбу фермер хўжаликларига корхона томонидан янги тракторлар совға қилинди.

Америка Қўшма Штатлари Элчихонаси
Тошкент, Ўзбекистон

РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН!

АМЕРИКА ХАЛҚИ НОМИДАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЭЛЧИХОНАСИ СИЗНИ РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

СИЗ ВА ОИЛАНГИЗ УШБУ БАЙРАМНИ ОМОНЛИКДА ВА КАТТА ШОДИЁНА ИЛА НИШОНЛАШИНГИЗНИ ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ.

CONGRATULATIONS ON THE OCCASION OF RAMADAN HAYIT!

ON BEHALF OF THE AMERICAN PEOPLE, THE EMBASSY OF THE UNITED STATES CONGRATULATES YOU ON THE OCCASION OF RAMADAN HAYIT. WE HOPE THAT YOU AND YOUR FAMILY CELEBRATE THE HOLIDAY WITH GREAT HAPPINESS AND IN GOOD HEALTH!

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ғоявий чиниқиш сари

Наманган. Бугунги кунда вилоятда O`zLiDePнинг 593 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар атрофига 9200 аъзо бирлашган. 52 фоизи, яъни ярмидан кўпроғи ёшлардир. Айни пайтда 4800 нафардан зиёд фаол ёшлар ўзларининг амалий фаолияти, замон руҳига мос ақлзаковати ва тадбиркорлик соҳасидаги салоҳияти билан диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар.

Партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг "Ёшлар қаноти" гуруҳлари жойларда кўплаб форумлар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад ягона, у ҳам бўлса, ёшлар онгига партиянинг мақсад ва вазифаларини, либерал ғояларни чуқур сингдиришдан иборатдир. Бироқ ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас.

Яқинда куни бўлиб ўтган O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" гуруҳи ва Жамоатчилик кенгашининг қўшма мажлисида тўпланиб қолган муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Иштирокчилар ўтган даврда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида батафсил фикр юритишди. Вилоят кенгаши томонидан "Ёшлар қаноти" фаолияти таҳлил қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, устувор вазифалар белгилаб олинди. Тадбирда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Президент қарорининг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ижросини таъминлаш йўл-йўриқлари белгилаб олинди.

Тил поклиги – дил поклиги

Хоразм. Партиянинг Қўшкўпир туман кенгаши ва Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида "Ўзбек тили – давлат тили" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда асосий эътибор Президентнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

Иштирокчилар туман ҳудудидаги шоҳкўчалар, хиёбонлар, оромгоҳлар, таълим муассасалари, маданият уйлари ва маъмурий иншоотларнинг пештоқлари, панно ва шчитлар, баннерлар ҳамда турли тарғибот воситаларидаги ёзув ва шиорлар, даъватли сўзларнинг мазмун ва маънавий-маърифий жиҳатдан саёзлиги, ижтимоий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашди. Жумладан, мазкур тарғибот воситаларида ёзиб қўйилган матнларга алоҳида эътибор қаратилиб, айрим ҳолларда "Давлат тили тўғрисида"ги қонун талаблари бузилганлиги кескин танқид қилинди.

Тадбир якунида туман ҳудудида маънавий-маърифий жиҳатдан мазмунан бой ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тарғибот-ташвиқот воситаларини кўпайтириш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган ушбу йўналишдаги амалий ишлар самарадорлигини оширишга қарор қилинди.

Доимий семинар машғулотлари

Тошкент. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва фаоллар учун мўлжалланган давра суҳбати шаклидаги амалий семинар-тренингларнинг 4-босқич машғулотлари ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад БПТларнинг жанговарлик қобилиятини ошириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда БПТ ва партия фаолларининг ролини кучайтириш, электорат ва омма билан самарали ишлаш малакасини шакллантириш, ҳаёт тарзимиз ва миллий манфаатларимизга зид бўлган носоғлом ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг моҳиятини очиб бериш, жамиятимизда мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини кенгайтиришдир.

Машғулотларда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар", "Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли", "Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари" каби мавзулардаги маърузалар тингланиб, улар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Семинар иштирокчилари томонидан тадбиркорлик фаолияти учун олинадиган кредитларнинг янги тартиб ва қоидалари, фоиз турлари, бугунги кунда тадбиркор ва банк ўртасидаги молиявий муносабатлардаги йўл қўйилаётган суиистеъмолликлар, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг қонуний йўллари тўғрисидаги кўплаб саволларга экспертлар томонидан тегишли жавоблар берилмоқда. Тренинг машғулотлари иштирокчилари сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатдан ўз билим ва кўникмаларини орттиришмоқда.

МАЪРИФАТ ва илм-фан жаҳолат қоронғулигидан қутқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

НАЗОРАТ

Депутатлар энди мактабга борадилар

O`ZLIDEP ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА МАКТАБЛАРДАГИ КУТУБХОНАЛАРНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ, УЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАР ТАЛАБЛАРИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЖАВОБ БЕРАЁТГАНИ, ЖОЙЛАРДАГИ O`ZLIDEPДАН САЙЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ МАЗКУР МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШЛАРИ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўз мухбиримиз

Фарзандларимиз билим олаётган мактаблардаги кутубхоналарнинг қандай адабиётлар билан таъминланаётгани, кутубхоначиларнинг билими, малакаси тарбия билан чамбарчас боғлиқ экан, бу масалага эътиборсиз бўлиш мумкин эмас.

Маълумотларга қараганда, вилоятнинг 19 та шаҳар ва тумани ҳудудидаги 931 та мактабнинг 200 дан ортиқроғида таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилган бўлса, айнан ана шу мактаблар кутубхоналари ҳам бугунги кун талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилган. Янги адабиётлар, бадиий асарлар билан бойитилган. Аммо шунга қарамай, аксарият кутубхоналарда бугунги кун руҳини акс эттирувчи адабиётлар, дарсликларга қўшимча равишда фойдаланиш мумкин бўлган қўлланмалар етишмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шунингдек, болалар нашрларига обуна уюштиришдаги эътиборсизликлар оқибатида фарзандларимизнинг тезкор ахборотларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаётганига ҳам эътибор қаратилди. Партия вилоят кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Раҳматилла Камоловнинг фикрича, бу масала ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашдаги муҳим йўналишлардан бўлиб, партия бу борада эътиборсизликка йўл қўя олмайди. Р. Камолов вилоят халқ таълими тизими мутасаддиларини жалб этган ҳолда мактаб кутубхоналаридаги ҳолатни атрофлича ўрганиш, керак бўлса, ҳомийлар ёрдами билан уларни янги адабиётлар, қўлланма ва турли йўналишлардаги китоблар билан бойитиш таклифини билдирди.

Йиғилишда бу масалаларни ҳал этишда маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар имкониятларидан фойдаланишга келишиб олинди.

Юртбошимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорларидан келиб чиқадиган вазифалардан бири — мактаб кутубхоналари фаолиятини яхшилаш масаласини атрофлича муҳокама этган O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан депутатлар иштирокида ўтказилган ушбу анжуман тавсиялари яқин келажакда ўз самараларини бериши шубҳасиздир.

АММО ШУНГА ҚАРАМАЙ, АКСАРИЯТ КУТУБХОНАЛАРДА БУГУНГИ КУН РУҲИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ АДАБИЁТЛАР, ДАРСЛИКЛАРГА ҚЎШИМЧА РАВИШДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БЎЛГАН ҚЎЛЛАНМАЛАР ЕТИШМАЁТГАНИДАН КЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Касаначиликнинг имкониятлари кенг

Президентимиз халқ депутутлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида, вилоятда касаначиликни ривожлантиришга масъулиятсиз муносабат туфайли бу борадаги режа бор-йўғи 35 фоизга бажарилганини танқид қилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Бугунги кунда вилоятда ушбу танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозирга қадар Фарғона механика заводи, нефтни қайта ишлаш заводи, "Узсаламан" қўшма корхонаси, Қўқон шаҳридаги "Улуғбек", "Шоҳи атлас" ҳиссадорлик жамиятлари, Ўзбекистон туманидаги "Ишонч" масъулияти чекланган жамияти каби йирик саноат корхоналари ҳамда 50 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектларида касаначилик йўлга қўйилган.

Марғилон шаҳрида ҳам бу борадаги ишлар анча жонланди. Алишер Навоий номидаги ҳиссадорлик жамияти, "Марғилонтекс" корхонаси, "Ёдгорлик" хусусий фирмасида касаначилик асосида 400 дан ортиқ иш ўрни яратилгани шундан далолат беради.

Азалдан Марғилон қўли гул ҳунармандлари билан довруғ таратган. Бу эса уй шароитида фойдали меҳнат билан шуғулланиш, қўшимча даромад топиш имконини беради. Биргина "Ёдгорлик" хусусий фирмаси касаначилик асосида 200 нафар йигит-қизни доимий иш билан таъминлади.

Айни пайтда шаҳар "Ҳунарманд" уюшмасида 1500 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар асосан ўз уйларида меҳнат қилади. Бу соҳада касаначиликни йўлга қўйиш бир мунча қулай ва самаралидир. Ҳозир уларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчаси очилган. Фазлиддин Дадажонов, Фозилжон Мирзамаҳмудов, Мухторжон Охунов каби атлас тўқувчилар, Раҳмонали Шокиров, Мўминжон Умрзоқов, Ҳабибулла Йўлдошев каби бешикчилар, мисгар Абдуманноп Маъдалиев ва бошқалар Марғилон ҳунармандчилигининг довруғини ёйишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уста-шогирд анъаналарининг йўлга қўйилгани ҳам ёшларнинг миллий ҳунармандчилик сирларини ўрганишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, шаҳардаги "Водий ҳунармандлари" масъулияти чекланган жамияти ҳам касаначилик йўналишида 35 иш ўрни ташкил этди. Жамиятнинг буюртмасига кўра, ҳунармандлар турли маҳсулотларни ўз вақтида тайёрлаб бермоқда. Касаначиларнинг иш ҳақи ўз вақтида тўлаб борилаётир.

ДАВРА СУҲБАТИ

Банк фермерга қандай кўмак бераяпти?

O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА БАНК: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН МАХСУС «ДАВРА СУҲБАТИ»ДА ЮҚОРИДАГИ САВОЛ ЎРТАГА ҚЎЙИЛИБ, ТЕГИШЛИ ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ягона мақсадга — халқ фаровонлиги, Ватан тараққиётига хизмат қилар экан, бу ишдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини бугун барчамиз бирдек ҳис этмоқдамиз.

Ўз мухбиримиз

Бугун қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири эса бугунги кун қишлоқ мулкдори, яъни фермерларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Демак Ўзбекистондаги барқарорлик, тинчлик ва хотиржамликдан манфаатдор бўлган ана шу қатлам вакиллари фаолияти учун нафақат соҳа мутасаддилари, балки барча бирдек ўзини масъул, деб ҳисоблаши шарт.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази яқинда ўтказилган "Фермер хўжаликлари ва банк: ўзаро муносабатлар" мавзуидаги давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида банклар томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ва уларнинг натижалари, фермерлик фаолиятидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топишдан иборат эди.

Бугунги кунда республикамизда 185 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил бошида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 35 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетди. Бу эса фермер хўжаликларининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган салмоқли ўрни ва аҳамияти мустаҳкамланиб бораётганидан, бу ҳаракат қишлоқларда хўжалик юритишнинг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи мавқени эгаллаётганлигидан далолатдир.

Тадбирда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, молиялаш ва техника билан таъминлашдаги лизинг муносабатларини амалга оширишда фермерлар кўплаб муаммоларга дуч келаётганликлари таъкидланди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, турли банкларнинг мутасадди ходимлари, тадбиркорлик фаолиятига алоқадор давлат идоралари вакиллари ва вилоятлардан ташриф буюрган фаол фермерлар иштирок этиб, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий эркинлигини тўлиқ таъминлаш, улар фаолиятининг қонуний-меъёрий асослари, давлат идоралари томонидан ноқонуний аралашувлар, фермер ва банклар ўртасидаги муносабатларда йўл қўйилаётган айрим қонунбузарликлар юзасидан ўзаро фикрлар алмашилди, бу борадаги мавжуд муаммолар, улар ечими хусусида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан жойларда ўтказилаётган қатор амалий тадбирларда кўплаб тадбиркорлар, фермерлар ва кичик бизнес вакиллари қатнашиб, ўзларининг кўплаб муаммоларини ҳал этишга эришаётганликлари таъкидланди.

Тадбир давомида республикамизда фермер ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ва тизими яратилганлигига қарамай, уларнинг фаолиятида иқтисодий-молиявий муаммолар ва камчиликлар ҳамон мавжудлиги қайд этилди. Маҳаллий ҳокимият органлари ва банк муассасалари томонидан фермерлар бемалол кенг фаолият юритишлари учун муносиб шарт-шароит яратиш ҳамда ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда O`zLiDeP фаолларининг, партия депутатлик гуруҳларининг масъулияти ва ролини ошириш юзасидан устувор вазифалар белгиланди.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.



Марказий банк раиси ўринбосари Улуғбек Мустафоев O`zLiDeP тақдим этган маълумотларни узоқ кўздан кечирди

ЭЪТИРОФ

Корхонага — халқаро сифат соврини

O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ РАҲБАРИ ЎРИНБОСАРИ ВАЛЕНТИНА КОТЕЛЬНИКОВА БОШЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН "БАЙРАМ ҲАЗИЛ СЕРВИС" МЧЖ ФИРМАСИ "QUALITY SUMMIT AWARD-2006" ХАЛҚАРО СИФАТ СОВРИНИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Ўз мухбиримиз



Мазкур совринни топшириш маросими Нью-Йорк шаҳридаги "Мариот Маргус" меҳмонхонасининг анжуманлар залида бўлиб ўтди.

Одатда ушбу халқаро мукофот юқори сифат кўрсаткичларига эришган компанияларгагина берилади. Мақсад ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштиришдир.

Нью-Йорк шаҳрида ОАВ вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожланитириш, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Анжуман доирасида Ўзбекистон ҳаётига қизиқиш билдирган хорижий бизнесменлар билан учрашув бўлиб ўтди.

"Quality Summit Award-2006" бу галги тадбирида Албания, Босния ва Герцеговина, Кипр, Руминия, Чехия, Эфиопия, Нигер, Мартиника, Мозамбик, Габон, Замбия, Таите, Франция Полинезияси, Гваделупа, Перу, Грузия, Россия,Мексика, Хитой, Сингапур жами 166 мамлакатдан ташриф буюрган йирик бизнесменлар, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

САНОАТ

ЭНЕРГЕТИКА — ҳар қандай мамлакат мустақиллиги ва иқтисодий қудрати учун стратегик аҳамиятга молик тизим

ЭНЕРГЕТИКА

Чўл бағридаги мўъжиза

«ШЎРТАННЕФТГАЗ» ЙИЛИГА 16 МЛРД. КУБ МЕТР ГАЗНИ ТОЗАЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

— Бу — истиқлол даврида мамлакатимиз саноатида эришилган энг катта ютуқлардан биридир, — дейди корхона раҳбари Илҳом Норчаев. — Ўтган қисқа давр мобайнида ишчиларимиз, муҳандис-техник ходимларимиз энг мукаммал технологияларни пухта ўзлаштириб олдилар. Республикада биринчи бўлиб газни цеолит ёрдамида олтингугурт бирикмасидан тозалаш усулини йўлга қўйдик. Тўлиқ автоматлаштирилган мазкур қурилма ишга туширилгач, газ таннархи анча арзонлашди. Шундан сўнг бир кеча-кундузда газдан 140 тонна пропан-бутан аралашмасини ажратиб оладиган яна бир қурилмани ишга туширдик. У ҳам соҳанинг энг замонавий технологияси ҳисобланади.

■ **Зумрад АБРОРОВА, Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбирлари**

Чўл бағрида қад ростлаган ушбу йирик корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларини мутахассис бўлмаган одам тушуниши қийин, албатта. Мамлакатимиз раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан жуда катта маблағ эвазига бутунлай янгиланган ва юртимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган ушбу корхона ишчи-хизматчилари, мутахассислари билан суҳбатлашсангиз, улар ўз ишлари билан ниҳоятда фахрланаётгани яққол сезилиб туради.

— Корхонанинг асосий маҳсулоти Шўртан конидан олинади, — дейди техника бўлимининг етакчи муҳандиси Турғун Холматов. — Ўтган асрнинг 80-йилларидан буён фойдаланиб келинаётган коннинг газ босими 2000-йилларда бирмунча пасайиб, 85 атмосферага тушиб қолганди. Технологик жараённи бир меъёрда ушлаб туриш учун эса 100 атмосфералик босим талаб қилинади. Агар республикамизда қазиб олинаётган газнинг учдан бир қисми бевосита кон ҳиссасига тўғри келиши назарда тутилса, бундай ҳолат газ тақчиллигини келтириб чиқаришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди. Ана шундай бир вазиятда қўшимча сиқув компрессор станцияси қурилиши бошлаб юборилди. Жуда катта сарф-харажатдан ташқари, аниқ ҳисобкитоб асосида амалга оширилиши лозим бўлган бундай ишга қўл уриш учун корхона раҳбарияти бутун масъулиятни ўз зиммасига олиши керак эди. Раҳбарият эса ҳеч иккиланмай, бунга журъат этди. Қурилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Техник ишларни лойиҳалаш ва асбоб-ускуналарни ўрнатишга хорижлик мутахассислар чақирилди. Шу тариқа 2003 йили — Мустақиллик куни арафасида газни дастлабки тайёрлаш қурилмасидан 2 чақирим, бош иншоотдан 18 чақирим узоқликда жойлашган, умумий майдони 9,6 гектар майдонни эгаллаган станция бунёд этилди. Газ босимини 110 атмосферага кўтариб, йилига 13,5 млрд. куб метр ҳажмдаги газни ҳайдаш қувватига эга қурилма иш бошлади.

Биз Турғун ака таърифлаган иншоотни бориб кўрдик. Бу қадар улкан қурилмани бор-йўғи икки йил ичида ишга туширишнинг ҳақиқатан ҳам мўъжиза эди.

Бугун малакали маҳаллий мутахассислар томонидан бошқарилаётган ушбу иншоотда тўртта агрегат тўлиқ лойиҳавий қувват билан ишлатилаяпти. Дунёнинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган станциянинг бошқарув тизими тўлиқ компьютерлаштирилган. Қувонарлиси — замонавий компрессорлар ва авиагазогенераторларнинг ишлашини синаб кўриш, технологик регламент асосида ҳаракат қилишдек масъулиятли вазифани ўзбек мутахассислари уддалаяптилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан иншоотга газ етарли миқдорда етказиб берилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда корхона газ қудуқларида янги конструкцияли ерости қурилмасининг ишлатила бошланиши, гидрокислотали портлатиш усули қўлланилаётгани, қудуқларни таъмирлашда "Cooper" дастгоҳидан, электр энергиясини ҳисоблашда "Альфа" ҳисоблагичидан фойдаланиш, газ босимини кўтариш учун "Дрессор ренд" компрессорларини қўлланиши 22 млрд. 800 млн. сўмлик иқтисодий самара келтирди.

Илҳом Норчаев дунёнинг ўнлаб ривожланган мамлакатларида бўлиб, нефть ва газ саноатини такомиллаштириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиб қайтгач, уларни ўз корхонаси цехларига жорий этишга интилди. Малакали мутахассиснинг йигирмадан ортиқ рационализаторлик таклиф ва ихтиролари ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланилиб, бугунги кунда каттагина иқтисодий самара бермоқда.

"Углеводородларни компрессорлаш цехида буферагаз сарфини камайтириш ва техник газ таркибидаги сув конденсатини ёғ билан зичлаш тизимига ўтиб кетишининг олдини олиш", "Зафар конидаги қудуқлар унумдорлигини ошириш", "Янги Қоратепа кони қувурини паст ҳароратли газни сепарациялаш цехига улаш", "Газни амин ёрдамида тозалаш қурилмасидан қайтаётган буғ конденсатини НТС ва конденсатни барқарорлаштирилган цех қурилмаларига буғ сифатида жўнатиш" каби рационализаторлик таклифлари корхонага 500 млн. сўмдан ортиқроқ иқтисодий фойда келтирди. Бундан ташқари, Шўртан конидаги 16-батареянинг ишга туширилиши, "К-1" аппаратининг иситиш самарадорлигини ошириш, суюқ углеводларни қазиб чиқаришни кўпайтириш, регенерация газларини қуритиш сифатини яхшилаш, кам маҳсулотли қудуқларни "Шўртангазкимё" мажмуасига улаш каби рационализаторлик таклифлари амалиётга жорий этилиб, 150 млн. сўм маблағ тежаб қолинди.

Корхона жамоасининг мамлакат ёқилғи энергетикаси мустақиллигини таъминлаш, халқимизнинг табиий газга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришда муносиб ўрни бор.





ЎТГАН 9 ОЙДА 16 МЛРД. 331 МЛН. КУБ МЕТР ТАБИИЙ ГАЗ, 63 МИНГ 650 ТОННА НЕФТЬ, 499 МИНГ 200 ТОННА КОНДЕНСАТ, 42 МИНГ 440 ТОННА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ, 4 МИНГ ТОННА ОЛТИНГУГУРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ. ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛДАГИ НАРХДА 332 МЛРД. 787 МЛН. СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН. 9 ОЙДА БУ КЎРСАТКИЧ 251 МЛРД. 822 МЛН. СЎМГА АДО ЭТИЛДИ. ҚИЁСИЙ НАРХДА ТОВАР МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎТГАН ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДАГИГА НИСБАТАН 103,7 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. РЕНТАБЕЛЛИК ДАРАЖАСИ 19,1 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛДИ. 2005 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА 18 МЛРД. 752 МЛН. СЎМ СОФ ФОЙДА ОЛИНГАН БЎЛСА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА БУ КЎРСАТКИЧ 41 МЛРД. 107 МЛН. СЎМДАН ОШИБ КЕТДИ.

Айни пайтда корхонада 2935 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар ўртасида маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Илғорларни рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамиша раҳбариятнинг диққат-эътиборида. Ўтган даврда 430 нафар киши корхона ҳисобидан даволанди. 200 дан ортиқ кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Стадион, волейбол майдончаси, тренажёр зали доимо гавжум. Ишчи-хизматчилар бўш вақтларида соғломлаштириш машқларида қатнашадилар. Улар ўртасида спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, ғолиблар O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти ва касаба уюшмаси қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланмоқдалар.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчи-хизматчилар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида барча цех ва иншоотларда меҳнат шароитини яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш мавзуида семинарлар, ўқув машғулотлари ва суҳбатлар ўтказилиб турибди.

Корхона ҳомийлигида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан болалар истироҳат боғи, аттракцион, хиёбон, мактаблар таъмирланиб, гулзорлар барпо қилинди. Кўчалар равонлаштирилиб, маҳаллалар ободонлаштирилди. Ғузор туманидаги марказий стадион яхшилаб таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига берилди. "Шўртан" футбол жамоаси мамлакат биринчилигида муваффақиятли иштирок этаяпти.

— Раҳбарлик имтиёз эмас, балки улкан масъулиятдир, — дейди O`zLiDeP фаоли Илҳом Норчаев. — Давр биздан мунтазам изланиш, юрт келажаги учун масъуллик ва ижтимоий-сиёсий фаолликни талаб этаётир. Бугунги кун раҳбари биринчи навбатда жамоа аъзоларининг самарали меҳнат қилиши учун етарли шароит яратиб бериши, уларни эл-юрт равнақи йўлидаги эзгу ишларга сафарбар эта олиши керак.

Корхона тасарруфида 22 та кон бўлиб, ҳозирги кунда 10 та нефть ва 5 та газ конларидан маҳсулот олинаяпти. Келажакда Ғузор, Шарқий Бўзахўр, Шимолий Чўнагар, Шимолий Нишон конларини ишга тушириш мўлжалланмоқда. "Ўзнефтгаз холдинг" компанияси қурувчилари томонидан йилига 50 минг тонна маҳсулотни қайта ишлайдиган янги пропан-бутан олиш қурилмаси бунёд этилмоқда. Мутахассисларнинг билим ва тажрибасини ошириш мақсадида улар хориж мамлакатларининг нефть ва газ соҳасидаги етакчи компания ва фирмаларига юборилмоқда. Бундай тажриба алмашиш ва амалиётлар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, замонавий технологияларни мукаммал даражада ўзлаштиришга ёрдам бераяпти.

Бир сўз билан айтганда, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш учун кунни тунга улаб, фидойилик кўрсатаётган бундай инсонлар бор экан, мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверади.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни "ALAFIA" адвокатлик фирмаси адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Ўғлингиздан хавотир олманг!

"Ўғлим яна 2 ойдан кейин 14 ёшга киради. Лекин уни фуқаролик иши бўйича гувоҳ сифатида судга чақиришмоқда. Айтинг-чи, вояга етмаганлар учун сўроқ қилишнинг алоҳида тартиблари белгиланганми?

Раҳмонали БЕГМАТОВ. Чирчиқ шаҳри".

— Шуни билинг-ки, 14 ёшга тўлмаган гувоҳларни, суд лозим топган тақдирда эса, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда мутахассис (ўқитувчи), зарур ҳолларда эса уларнинг ота-оналари, фарзандликка олганлар, васий ва ҳомийлари чақирилади. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 185-моддасига мувофиқ судга раислик қилувчи вояга етмаган гувоҳларга иш бўйича унга маълум бўлган нарсаларни ҳаққоний баён қилиб беришни тушунтиради, лекин рад этиш ёки кўрсатма беришдан воз кечиши ёки ёлғон кўрсатма берганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирмайди. 16 ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиб бўлингач, суд унинг бундан кейинги иштирокини лозим топмаса, залдан чиқариб юбориши ҳам мумкин.

Тўлов пулингиз қисқартирилади

"Касбим — стоматолог. Бир кун тушгача, иккинчи кун эса тушдан кечгача ишлайман. Шунинг учун ўғлимни боғчага ишга кетадиган вақтимга қараб, яъни ярим кунга бермоқчиман. Демак, боғча пулини ҳам ярим кунга тўласам бўладими?

Салима РАҲИМЖОНОВА. Тошкент шаҳри".

— Халқ таълими вазирлигининг "Ўзбекистон Республикасида ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш тўғрисида"ги буйруғига кўра, болаларни мактабга тайёрлашда ота-оналарга муайян қулайликлар яратилган. Унда, жумладан, болалар боғчаларида қисқа муддатли гуруҳларни ҳам ташкил этиш назарда тутилган. Яъни сиз боғча мудирасига ўғлингизни қисқа муддатли гуруҳга киритишни сўраб ариза берсангиз, овқатланиш меъёрларини қисқартирган ҳолда тўлов пулини камайтиришади.

Ота-она мажбурияти бир хил

"Яқинда ўғлим оғир касал бўлиб қолди. Собиқ эримдан унинг даволаниши учун пул сўрадим. Чунки ўзимнинг маошим кам. У эса алимент пулини ўз вақтида тўлаб турибман-ку, деб қўшимча пул беришдан бош тортди. Мен бу муаммони қандай ҳал этсам бўлади?

Муниса ҲОЖИМАТОВА. Ўртачирчиқ тумани".

— Оила кодексида ота-онанинг болалар таъминоти бўйича мажбуриятлари тенг тарзда белгиланган. Фарзанднинг касалликка чалиниши, оғир тан жароҳати олиши каби қўшимча харажатлар талаб қилинадиган ҳолларда ота (она) тенг иштирок этишлари шарт. Агар улар бундан бош тортсалар, қўшимча харажатни ундириш тўғрисида судга мурожаат этилади.

Зарарни иш берувчи қоплайди

"Мен корхонамиз раҳбарининг айби билан ноқонуний равишда ишдан бўшатилган эдим. Судга мурожаат этгач, вазифамга қайта тикландим. Ишдан бўшатилган даврим умумий меҳнат стажимга қўшиладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Шуҳрат ҲАЙИТОВ. Навоий вилояти".

— Вазифасидан ғайриқонуний равишда четлаштирилган давр умумий меҳнат стажи ва касби бўйича иш стажига қўшилади. Бундай ҳолатда ходимга етказилган зарарни қоплаш ҳам иш берувчига юкланади. Агар ходимнинг розилиги билан кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилса, у ҳолда орадаги фарқ тўланади. Шунингдек, етказилган зарар учун товон тўлаш ҳам иш берувчи зиммасида бўлади.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз.
Мархамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

БИЗ КУЧЛИ МАФКУРА, ЕТУК ВА БИЛИМДОН КАДРЛАР ОРҚАЛИГИНА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА, ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎША ОЛАМИЗ

АҲОЛИ КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИ ЎРТАСИДА ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ТАРБИЯНИ КУЧАЙТИРИШ, O`ZLIDEP САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ОММАНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАДИР

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

СИЁСИЙ КУРАШДА МАТОНАТЛИ ВА ҚАТЪИЯТЛИЛАР ЮТИБ ЧИҚАДИ

O`zLiDePга мен нима бердим?

ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛИШ ЁН-АТРОФИМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА УЙҒОҚ КЎЗ БИЛАН ҚАРАШ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАШ, КЕЛАЖАК ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛЛИКНИ ЗИММАГА ОЛИШ, ДЕМАКДИР.

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**

Аслида ҳам шундай. Инсон ўз эътиқоди билан кучлидир. Қашқадарёлик фермер, O`zLiDeP вилоят кенгаши аъзоси Ш. Турсуновни кўпдан бери биламан. Унинг меҳнатда эришган ютуқлари, партия фаоли сифатида олиб бораётган ташкилий-сиёсий фаолиятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида унинг юксак мукофот — "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас.

Шавкат Турсуновнинг партиядошлари орасида ўз ўрни ва эътибори бор. O`zLiDeP вилоят кенгашининг аъзоси сифатида туман миқёсида ўтказиладиган сиёсий тадбирларда фаол иштирок этади. Бугун кўплаб ёшлар ундан ўрнак олиб, ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Қамаши қишлоғида бўлсангиз, қаҳрамонимиз ҳақида илиқ гапларни эшитасиз. Бу, албатта, бежиз эмас. Шавкат ака кам таъминланган, ночор оилалардан ўз ёрдамини аямайди. Қандай муаммо бўлмасин, ҳал этишга доим тайёр. Ўзи етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш учун изланишдан чарчамайди, сафдошларини ҳам шунга даъват этади. БПТ йиғилиши қарорига кўра, яқинда қишлоқда яшовчи Исомиддин Эшқулов ва Ҳайитбой Ғуломҳайдаровга уй қуриш учун қурилиш материаллари олиб берилди, боқувчисиз қолган Ғулом Жонибоевнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Йўлларни таъмирлаш, ичимли сув таъминотини яхшилаш, мавжуд 2 та мактаб ва битта гимназияга ота-лиқ ёрдами кўрсатиш ҳам диққат марказида тутилаяпти.

Фермер хўжалиги 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, 60 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Шартнома режалари ошиғи билан уддаланмоқда. 2005 йил 50 миллион сўм даромад билан якунланди. Шунинг 20 миллион сўми соф фойдадир. Насос ёрдамида суғориладиган ерлардан юқори ҳосил олиш осон эмас, албатта. Аммо излаган имкон топар экан. Гап шундаки, миришкорлар уруғлик ғалла ва пахта етиштириш ҳадисини олишган. "Бухоро-6" навли чигит синовдан яхши ўтмоқда. Йил бошида "Касбипахтатозалаш" очиқ акциядорлик жамияти билан 37 тонна биринчи репродукцияли уруғлик чигит етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган эди. Амалда 80 тонна сифатли ҳосил тайёрланди. Ялпи хирмон 104 тоннадан ошди. Жами даромад 60 миллион, соф фойда 30 миллион сўмга етиши кутилаяпти. Бу каби муваффақиятларда Хайрулло Ходиев, Жуманазар Ниёзов, Маҳфуза Турсунова, Ҳасан Қиличев, Элмурод Хидиров каби фаолларнинг муносиб ҳиссалари бор.

— Ҳозирги кунда бандлик муаммоси ўткир бўлиб турибди, - дейди у биз билан суҳбатда. — Бошланғич партия ташкилоти йиғилишида бу масалани кўриб чиқиб, уйда ўтириб қолган аёлларни иш билан таъминлаш бўйича тегишли тадбирларни белгиладик. Айни кунда уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. 50 дан ортиқ хотин-қиз пахта йиғим-теримига жалб этилди, улар меҳнатига 6 миллион сўм ҳақ тўланди. Туманимизда кулолчилик, гиламчилик, касаначилик бўйича яхши анъаналар шаклланган. Агар жойларда кичик корхона ва фирмалар кўпайтирилса, улар учун тегишлича микрокредитлар ажратилса, ишсизликни кескин камайтириш имконияти юзага келади. Партиямиз Дастурида таъкидлаб ўтилганидек, O`zLiDeP ўрта синф вакилларига таяниб, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифодалайди ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Биз фаоллар кучига таяниб, партиямиз дастурий ғояларини амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан иш олиб боришимиз лозим.

Шавкат ака — табиатан жонсарак одам. Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этади. Эътиқоди бутун. Партия дастурий ғояларини рўёбга чиқариш, одамлар мушкулини осон қилиш йўлида куч-ғайратини аямайди.

— Айрим бошланғич ташкилотларга хос бўлган сусткашлик ва ўзибўларчиликка тоқат қилолмайман, — дейди суҳбатдошимиз куйинчаклик билан. — Вазифа, мақсад аниқ. Ҳафтасига бир-икки бора йиғилиш ўтказиб, шунчаки қоғоз тўлдириб қўйиш билан иш битмайди.

Ҳаётнинг олдинги сафларида бўлиш, кўпчиликни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш йўлида жонкуярлик кўрсатиш биринчи галдаги бурчимиз эмасми, ахир?

Бу гапларга изоҳ ортиқча, деб ўйлаймиз. Одамлардаги интеллектуал қобилиятни ишга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Партия фаоллари буни яхши тушунишади, албатта. Билим масканларини таъмирлаш, ёритиш ва иситиш ишларига кўмаклашиш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш, спорт мусобақаларига ҳомийлик қилиш учун ички имкониятлардан келиб чиқилаётир.

— Дастлабки йилларда бир талай қийинчиликларга дуч келганмиз, - дейди Шавкат Турсунов. — Буни унутиб бўлмайди. Оила аъзоларимиз билан чигит экканмиз, ғўза суғорганмиз. У пайтларда мулкдорларга муносабат ҳозиргидек эмасди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилгач, турмуш ўртоғим билан биринчилар қаторида унинг сафига кирдик. Эндиликда маслакдошларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Зеро ижтимоий-сиёсий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш асосан ўзимизга, билим ва қобилиятимизга, жонкуярлигимизга боғлиқ. Биз шундан келиб чиқиб, O`zLiDeP ғояларининг жонкуяр ва фаол тарғиботчиси бўлишга ҳаракат қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, шундай. Аниқ мақсадга қаратилган фаолият инсон ҳаётига унутилмас мазмун бағишлайди. Янги дала шийпонининг битта хонаси бошланғич партия ташкилоти учун ажратилган ҳамда турли адабиётлар, панно ва плакатлар билан жиҳозланган. Партия аъзолари газета-журналларга асосан фермер хўжалиги ҳисобидан обуна қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси, шак-шубҳасиз, хўжалик фаолиятини кенгайтириш, ғоявий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини ошириш, давр билан бирга қадам ташлаш имконини бераётир.

> Вазифа, мақсад аниқ. Ҳафтасига бир-икки бора йиғилиш ўтказиб, шунчаки қоғоз тўлдириб қўйиш билан иш битмайди.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

Бугун жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади. Омма ўртасида ғоявий тарбияни кучайтириш, шахс маънавиятини юксалтириш, жойларда сиёсий фаоллик билан иш юритиш ҳозирги куннинг асосий талабларидан биридир. Хўш, бу йўналишда Учқўрғон туманида қандай изланишлар олиб борилмоқда?

Таъкидлаш жоизки, айни кунда туманда 50 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, улар атрофига 700 га яқин маслакдошлар жипслашишган. Партия Дастурий мақсадларини амалга ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, туман иқтисодиётини юксалтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. O`zLiDeP фаоли, депутат Мубошер Аҳмедов раҳбарлигидаги бошланғич ташкилот ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Манфаатли ҳамкорлик

янги ютуқларга замин бўлмоқда

■ **Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**

— Мустақил юртимиз манфаати ва фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муҳим фуқаролик бурчимиздир, — дейди у. — Буни ҳамиша ёдда тутишимиз лозим, албатта. Бошланғич партия ташкилоти сафида сиёсий етук, эътиқодли инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Албатта, гап сонда эмас, балки сифатда. Партияга шунчаки аъзо бўлиш билан иш битмайди. Аксинча, партия сафига қўшилиш — юксак масъулиятни бўйинга олиш, демакдир.

Корхонада қатъий меҳнат интизоми йўлга қўйилган. Партиявий топшириқларнинг ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар эса жамоа аъзоларининг ҳамфикр ва ўзаро маслакдошлигидан далолат беради. Туман марказий шифохонаси, болалар боғчаси, 129 сонли кўп қаватли турар-жой биносини таъмирлаш учун яқиндан ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги 308 сонли қарорига мувофиқ туманда яшовчи фуқаролар Х. Эрназарова ҳамда Ҳ.Ҳакимов оиласига бир бошдан қорамол туҳфа қилинди. Бундай саховат ҳамда меҳр-мурувват ёрдамлари жойларда O`zLiDeP нуфузининг ўсишига хизмат қилаётир.

> Мубошер АҲМЕДОВ, 1963 йилда Учқўрғон шаҳрида туғилган. Тошкент транспорт инженерлари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис. "Ўйчинефтбаза" унитар корхонаси Учқўрғон туман филиали раҳбари, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

— Жорий йил учқўрғонлик пахтакорлар учун қут-баракали келди, —дея сўзини давом эттиради БПТ раиси. — Белгиланган шартнома режаси вилоятда биринчилар қаторида адо этилди. Бу борада жамоамиз аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида деҳқон ва фермер хўжаликларига 49931 тонна автобензин, 6893 тонна дизель ёнилғиси, 9745 тонна бошқа хил нефть маҳсулотлари етказиб берилди. Бу, албатта, манфаатли ҳамкорлигимиз самарасидир.

Биз қалб даъвати билан O`zLiDeP сафига кирганмиз. Бинобарин, ўз фаолиятимизга танқидий назар билан қараб, омманинг авангарди бўлишимиз, партия ғояларининг толмас курашчисига айланишимиз лозим. Зиммамиздаги юксак партиявий бурч ва масъулият ана шуни тақозо этади.

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Сиёсий фаоллик

БУГУНГИ КУННИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИДИР

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурий ғояларини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, жойларда сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Бу борада партиянинг асосий ўзаги бўлмиш бошланғич ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилмоқда.

■ **Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**

Кўҳна ва навқирон Бухоро да уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, сиёсий фаоллигини ошириш масаласига жиддий эътибор билан ёндашилмоқда. Узоққа бормайлик. Шаҳардаги 6 сонли "Кўкалдош" маҳалла фуқаролар йиғини қошида иш юритаётган БПТга фаол жамоатчи Мўмина Маърупова етакчилик қилади. У аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўлида кучғайратини аямаётир. Шаҳло Холиқова, Нодира Қурбонова, Аҳмад Бозоров, Рустам Мўминов, Зебинисо Саидова, Раиса Тўраева каби маслакдошлар бу борада унга яқин кўмакдош. Зеро O`zLiDeP ғоялари йўлида садоқат билан хизмат қилиш, БПТ сафларини мустаҳкам эътиқодли, маънавий етук кишилар ҳисобига кенгайтириш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Жумладан, яқинда Римма Очилова, Нодира Шокирова, Наргиза Матиева сингари илғорлар партия аъзолигига қабул қилинди. Ғоявий чиниқиш эса ютуқлар гарови бўлмоқда. Юртбошимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори барча қатори маҳалла аҳли томонидан ҳам кўтаринкилик билан кутиб олинди. Айни кунда унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, одамлар қалбида юксак эътиқод туйғусини шакллантириш, жойларда маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

> Мўмина МАЪРУПОВА,
> 1956 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг тўқимачилик факультетини тамомлаган. "Заркон" МЧЖ (собиқ Бухоро зардўзлик фабрикаси) ёшлар ташкилотининг раҳбари бўлиб ишлаган.
> 2001 йилдан бошлаб Бухоро шаҳридаги 6 сонли "Кўкалдош" маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиб келмоқда. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси.

— Партия Дастурида кишиларда ўз қадр-қимматини англаш туйғусини уйғотиш, маънавий қадриятларни қайта тиклаш, жамиятда чинакам мулкдорлар қатламини шакллантириш масалаларига кенг ўрин ажратилган, — дейди БПТ етакчиси. — Бугун, партия менга нима берди эмас, балки мен унга нима бера олдим, деб фикр юритишимиз лозим. Ана шундагина кўзланган режа ва мақсадларни рўёбга чиқариш осон кечади.

Дарҳақиқат, бугунги сиёсий жараёнлар ҳар биримиздан қатъий саъй-ҳаракатларни талаб этмоқда. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш, O`zLiDePнинг обрў ва нуфузини ошириш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Партия фаоллари "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури ижросини ҳам қатъий назоратга олганлар. Уларнинг саъй-ҳаракати ва бевосита ташаббуси билан йиғин ҳудудида истиқомат қилувчи 70 дан ортиқ кам таъминланган оилалар, ёлғиз ва ҳимояга муҳтож кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Жорий йил давомида ана шундай оилалардан 53 тасига жами 2 миллион 537 минг сўмлик моддий ёрдам берилганлиги фикримиз далилидир. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими томонидан маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган, эҳтиёжманд кишиларга совға-саломлар улашилди, уларга самимий эҳтиром кўрсатилди.

O`zLiDeP аъзоларига хос бўлган якдиллик, юксак бурчга садоқат жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар давомида яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, "Жамият ва шахс маънавияти", "Соғлом оила — соғлом авлод кафолати", "Тақдирни қўл билан яратур инсон..." мавзуларидаги давра суҳбатлари давомида турли соҳа ходимлари иштирок этиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар. Бухоро шаҳридаги репродуктив ва скренинг маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашув кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

МФЙ бошланғич партия ташкилоти аъзолари шаҳардаги 5-умумтаълим мактаби, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли "Гулшан", "Роҳат", "Тошкент", "Самарқанд" кўчаларида яшовчи аҳоли ўртасида тез-тез бўлиб, партия ғоялари ва дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилмоқдалар. Бу эса кўплаб эзгу ва савоб ишларга йўл очаяпти. Мана, бир мисол. Муҳаммад Хўжаев, Ғулом Амонов, Зиёдулло Аслонов сингари тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан қишлоқ йўллари текисланди, кўча бўйларига юзлаб дарахт кўчатлари ва гул ниҳоллари экилди. Айни кунда улар гуркираб ўсмоқда.

— Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида коммунал тўловлардан қарздорлик даражаси анча юқори эди, — дейди БПТ етакчиси М. Маърупова. — Биз фаоллар билан ўзаро фикрлашиб, бу масалани ўз назоратимизга олдик. Натижа чакки эмас. 2005 йилда МФЙ бўйича жами қарзлар 4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 2,5 миллион сўмга туширишга эришдик.

Ҳа, шундай. Изланиш давом этмоқда. Бухоролик маслакдошлар ниятни холис қилиб, партиявий бурчга масъулият билан ёндашмоқдалар. МФЙ ҳудудида соғлом турмуш тарзи қарор топаётганлиги, одамлар эртанги кунга ишонч билан қараб, ислоҳотларни жадаллаштириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишаётгани ҳам шундан. Зеро аҳиллик ва якдиллик бўлган жойда ютуқлар бирбирини етаклаб келаверади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАРОИТИДА БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛИДИР. ПАРТИЯ МАҲАЛЛАНИНГ ШАХС, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ГУМАНИТАР МУАММОЛАРИНИ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЕТУК ТИЗИМИ ЭКАНИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА УНИНГ ҲУҚУҚИ, МАҚОМИ ВА МОДДИЙ АСОСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАРАФДОРИДИР".

O`zLiDeP Дастуридан.

SAMARQAND
ALJ KONSERNI





Серқуёш диёримизда истиқомат қилаётган барча мусулмон биродарларни ажойиб айём — ийди Рамазон билан самимий муборакбод этади.

ДЕҲҚОНИ бой
юрт қудратли бўлур

ФЕРМЕРЛИК

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Меҳнатдан шуҳрат топган

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ САВОБЛИ ИШЛАР УЧУН 25 МЛН. СЎМ МАБЛАҒ САРФЛАДИ

Исомиддин Пировнинг отаси ҳам, қолаверса, бобоси ҳам пахтакор бўлишган. Деҳқончиликда суяги қотган деганда, айнан ана шундай инсонлар назарда тутилади.

Ҳа, от изини той босар, деганларидек, Исомиддин ака ҳам падари бузрукворининг оқ фотиҳасини олган.

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Шофиркон туманида туғилиб ўсган И. Пиров бундан тўрт йил аввал "Талисангиобод" фермер хўжалигини ташкил этишга киришганида, аввало, оддий деҳқон фарзанди сифатида пахта етиштиришни ўз фаолиятининг мазмуни деб билди. Тўғри, экин майдонларининг бир қисмида полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари, ҳатто дон етиштириш ҳам режага киритилди. Пахта учун ажратилган 140 гектар майдонга эса алоҳида эътибор қаратилди: кузги шудгордан бошлаб, эрта баҳордаги ерга чигит қадашгача, ғўза парваришининг саратондаги қийинчиликларини енгишдан тортиб, чаноқлар лўппи-лўппи очилиб, терим мавсуми якунлангунча хўжаликнинг барча аъзоларини ишга тўлиқ сафарбар этиш пайида бўлди. Ният эзгу бўлса, режадаги ишлар ҳам юришиб кетаверар экан. Фермерликни ривожлантириш борасидаги Президент фармонлари-ю қарорлари, бу ҳаётбахш, истиқболи порлоқ ҳаракатнинг бошида эса Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - O`zLiDeP турганлиги парвоз учун унга қанот бағишлади.

Ҳақиқий қишлоқ мулкдори — ишбилармон фермер ва унинг яқин маслақдошлари — механизаторлардан Икром Воҳидов, Шермат Бекмуродов, Феруз Ҳайдаров, Самандар Бобомуродов, Ўлмас Жумаев ва бошқаларнинг ғайрат-шижоати туфайли фермер хўжалиги бўйича пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. Жорий йил ҳам бундан мустасно эмас. Шуниси эътиборга моликки, дон ва пахта тайёрлаш бўйича зиммага олинган шартномавий режа бу йил ҳам туманда биринчилардан бўлиб бажарилди. Таъкидлаш жоиз: эрта баҳорда ерга қадалган "Бухоро-8" навли чигит ўзини тўлиқ оқлади.

Давлат қабул пунктларига 500 тоннага яқин сифатли саноат хом-ашё етказиб берилди. Ҳосилнинг барчаси биринчи навга қабул қилинди.

Бу йилги йиғим-терим даврида пахтазорнинг ўз юлдузлари — чевар теримчилар номи эл-юртга маълум бўлди. Пахтани тез ва тоза теришда Феруза Сафарова ва Дилнора Камолова пешқадамлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири айни қизғин паллада кунига хирмонга 200 кг ва ундан ҳам ошириб "оқ олтин" тўкди.

Исомиддин Пировнинг саховатпеша инсон эканлиги бундан анча йил олдин кўзга ташланиб қолган эди. Ўз даромадининг муайян қисмини эзгу ишларга сарфлашни кўнглига тугиб қўйган бу қалби дарё фермер эҳтиёжманд ҳамқишлоқларига беминнат ёрдам бериб келмоқда. 6, 16, 17, 18, 10, 31, 32-умумтаълим мактабларини, марказий касалхонани таъмирдан чиқаришга талисангиободликлар муносиб ҳисса қўшишди. 2 та мактабгача таълим муассасаси ҳам ана шу фермер хўжалиги маблағлари ҳисобидан сифатли таъмирланиб, ўзгача чирой касб этди. Ҳамқишлоқларининг маданий-маиший шароитини яхшилаш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Хуллас, саховатпеша фермер Исомиддин Пиров ана шу савоб ишлар учун фермер хўжалигининг соф фойдасидан 25 миллион сўм сарфлади.

Ишчан фермернинг элюрт олдидаги ана шу хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги уни "Таълим ҳомийси" нишони билан тақдирлади.

— Туманимизда фаолият кўрсатаётган 420 нафар O`zLiDeP аъзоси орасида ўз ишининг ҳақиқий усталари, тадбиркорлар ва фермерлар кўпчиликни ташкил этади, - дейди партиянинг Шофиркон туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Рамазон Абдуллаев. — Исомиддин Пиров нафақат ўз хўжалигини моҳирона бошқараётган фермер, балки жамоадошлари, ҳамқишлоқлари ва ҳамкасблари ўртасида O`zLiDeP ғояларини кенг тарғиб қилаётган сафдошларимиздандир. Яқинда фермер хўжалиги аъзоларидан яна бир нечтаси партиямизга кириш истагини билдирди. O`zLiDeP томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган, зарур ҳолларда эса муносиб рағбатлантирилаётган халқимизнинг гўзал фазилатларидан бири — ҳомийлик аслида инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир. Ўз маслақдошлари ва даъваткор партия изидан бориб доимий ва кенг миқёсдаги ҳомийликни инсоний бурчи деб билган Исомиддин Пиров сингари эл суйган ҳамюртларимизнинг савоб ишлари ҳур фикрли, тоза қалбли инсонларни O`zLiDeP ва унинг жойлардаги бўғинлари атрофига жипслаштираётган бўлса, ажабмас.

Ватанимиз ўзининг асл фарзандлари матонати-ю ғайратини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайди. Республикамиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами арафасида — Исомиддин Пиров Юртбошимиз Фармонига мувофиқ "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Исомиддиннинг раҳматли отаси — Бухоронинг довруқли кишиларидан Иброҳим Пировнинг қўллари, айтишларича, ҳамиша дуода бўлган экан. Ҳа, ота дуосида умрларга татигулик ҳаётий ҳикмат ва чин ҳақиқат борлигини бугун бутун Шофиркон аҳли Исомиддин мисолида яна бир маротаба яққол кўриб турибди.

«САЙХУНМЕДТЕКС»
қўшма корхонаси

Юртимизнинг барча мўмин-мусулмонларини қутлуғ айём —

Рамазон ҳайити

билан табриклайди.
Иймон-эътиқодли, меҳнаткаш ва сахий ўзбек халқи хонадони ҳамиша фаровон ва осуда, файз-баракали бўлишини тилайди.

ҚУТЛОВ

СЎНГГИ САҲИФА

АГАР биз ўзимизга ўзимиз хушомад қилмаганимизда эди, бировнинг хушомадидан бузилмасдик

МУЛОҲАЗА

ФУТБОЛ

Рақобатга муҳтож чемпион

Миллий биринчиликка асос солинганидан буён эса, еттинчи бора шоҳсупага кўтарилган "Пахтакор" футбол клубининг халқаро майдондаги имкониятларини қандай баҳолаш мумкин?

■ Мухлисбек ДЎСТОВ

Тўғри, чемпионат якунланишига икки тур қолганда, Фарғонада азалий рақиблари — "Нефтчи" билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, муддатидан аввал чемпионликни қўлга киритган пойтахтликлар ўзлари ва мухлислари учун бу йил катта тантана билан нишонлаган эллик йиллик тўйларига муносиб совға ҳозирладилар. Аммо тан олиш зарур: нисбатан осонлик билан эришилган ютуқлар, афсуски, айрим ҳолларда ғолиб жамоанинг тараққиётига салбий таъсирини кўрсатади.

Мисол тариқасида Киевнинг бутун дунёга донғи кетган "Динамо" жамоасини олайлик. Бир пайтлар Европани титратган "динамо"чилар кейинги йилларда ички чемпионатда "Шахтёр"дан бошқа жиддий рақибга дуч келмаганлари боис, охирги оқибат Чемпионлар лигаси баҳсларида кўҳна қитъанинг бошқа жамоалари олдида кўзи юмуқ мушукчалар ролини ўйнашга мажбур бўлмоқдалар.

"Пахтакор" — мамлакатда барча қулайликлар ва имкониятларга эга ягона жамоа, десак, адашмаймиз. Зеро клубда машғулот олиб бориш, жисмоний ҳолатни сақлаб туриш ҳамда дам олиш учун барча шарт-шароит яратилган. Энг муҳими — тажрибали мураббийлар штаби ва ишончли захирага эга "Пахтакор"чиларнинг кучли таркибидан олий лигада ўртамиёна рақиблар билан бемалол беллаша оладиган иккита, ҳатто учта жамоача тузиш мумкин.

Шунга қарамай, саноқли баҳслардагина муносиб қаршиликка учраган (2 та дуранг ва 2 та мағлубият), қолган учрашувларда эса аксарият ҳолларда йирик ҳисобда зафар қучиб (жами 24 та ғалаба), натижада жорий мавсумнинг 28 турида "бошқа"лар дарвозасига 78 та тўп киритган (бир ўйинда ўртача 2,8 тўп) чемпионимиз Осиё Чемпионлар лигасининг сўнгги икки мавсумида гуруҳ босқичидан ҳам чиқа олмади. Биз бу ҳолатда "Пахтакор" клубини танқид қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, профессионал клубнинг асосий мақсади — халқаро мусобақаларда мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилишдан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур вазиятдан чиқиб кетиш учун кўп йиллик чемпионимизга муносиб рақиб жамоаларни тайёрлаш пайти ўтиб бораётганини айтиб ўтмоқчимиз, холос. Бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчидан, ўзбек футболи мактабидан чиққан истеъдодли ёшларимизнинг келгусида Россия ва Қозоғистон чемпионатларида эмас, балки ўзимизнинг жамоаларимизда тўп суришлари учун қулай молиявий шароит яратиб бериш керак. Иккинчидан, жамоаларга ҳомийлик қиладиган муассасаларга давлат томонидан имкони борича ҳар хил енгилликлар яратилиб берилса, ёмон бўлмасди. Ундан ташқари, мухлисларда қизиқиш уйғотиш мақсадида олий лига доирасидаги эфирга узатиладиган учрашувлар сони кўпайтирилса, яъни бу борада нафақат Тошкент, Қарши ёки Фарғона, балки бошқа шаҳарларда бўлиб ўтадиган ўйинлар ҳам жалб этилса, нур устига нур бўларди.

Умид қиламизки, яқин келажакда мутасадди ва фидойи инсонлар саъй-ҳаракати билан юқорида тилга олинган ва шунга ўхшаш хоҳиш-истакларимиз амалга ошади. Ажабмас, ана шунда клубларимиз орасида соғлом рақобат вужудга келиб, миллий биринчилигимиз юқори даражага кўтарилади.

МУСОБАҚА

МИНИФУТБОЛ

Яшил майдонда ... ижодкорлар

Куни-кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида республика журналистлари ўртасида "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари таҳририяти соврини учун ўтказиладиган минифутбол бўйича Олимжон Акбаров хотира турнирига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

■ Шуҳрат ХЎЖАЕВ

Иккинчи маротаба ташкиллаштирилаётган мазкур мусобақада аввалги йилдагидек 14 та эмас, балки 20 та жамоа қатнашиш истагини билдирганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан кўриниб турибдики, турнирга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Эътиборли томони шундаки, 26 октябрь- 6 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган баҳсларда ОАВдан ташқари, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети ўқитувчилари, шунингдек, "Ўзбекистон" ва "Шарқ" нашриётлари ижодкорларидан тузилган жамоалар ҳам иштирок этадиган бўлди.

Маросим аввалида ўтган йилги мусобақанинг тўртта пешқадами — "Ma`rifat", "Миллий телерадиокомпания", "O`zbekiston futboli" ва "Navro`z FM" гуруҳлари бош жамоалари сифатида танлаб олинди. Сўнгра 20 та жамоа 4 та гуруҳга бўлинди.

Низомга мувофиқ, чоракфиналга гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар чиқади.

Қуръа натижаларига кўра жамоалар қуйидаги гуруҳлардан жой олдилар:

А гуруҳи
"Ma`rifat"
"Халқ сўзи"
"Ўзбекистон" телеканали
ЎзДЖТУ
"Ўзбекистон" нашриёти

В гуруҳи
МТРК
"Янги аср авлоди"
"Туркистон Пресс"
"Туркистон"
"Хонадон"

С гуруҳи
"O`zbekiston futboli"
"Шарқ"
"Ватанпарвар"
"O`zbekiston ovozi"
"Садо"

D гуруҳи
"Navro`z FM"
"Ishonch"
"Ёш куч"
"Тошкент ҳақиқати"
"XXI asr"

ОБ-ҲАВО

26 октябрь - **1** ноябрь кунлари шимолда, жумладан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда ўзгарувчан обҳаво кузатилади. Ёмғир ёғади. Бухоро ва Навоий вилоятларида эса ҳафтанинг аксарият кунлари ҳаво булутланиб туради. Ҳарорат кечаси **3-9**, кундузи **19-26** даражани ташкил этади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг баъзи туманларида ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси **7-12**, кундузи **24-29** даража атрофида бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийсида вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси **6-10**, кундузи **20-24** даража атрофида бўлади.

Тошкентда ҳам деярли баҳорий ҳаво кузатилади. Айрим жойларга ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси **10-14**, кундузи **22-25** даражани ташкил қилади.

ЭЪЛОН

БИЗНЕС-БАШОРАТ

23 - 29 октябрь

ҚЎЙ. Раҳбарият томонидан буюрилган топшириқларни бажаришда шошилманг: ишларнинг барчаси секин-аста амалга ошади. Пайшанба куни катта миқдордаги пуллар билан муомала қилаётганда ва шубҳали кўринган одамларнинг таклифларини қабул қилаётганда, ҳушёр бўлинг, алданиб қолманг.

БУЗОҚ. Ҳафта ўртасида хотирангизда бутун умрга муҳрланиб қоладиган, афсуски, қувонч бахш этмайдиган воқеа содир бўлиши кутилмоқда. Шундай бўлса-да, шанбагача ўзингизни қўлга олишга эришасиз. Якшанба куни оилангиз яқинларини уйингизга чақириб, дастурхон атрофида умумий муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Тиббий муолажалар қабул қилишни давом эттиринг. Кўчага иссиқ кийиниб чиқинг. Ҳафта мобайнида тугата олмаган ишларингиз бўлса, сиқилманг. Зеро уларни якунлаш учун сизга яна салкам бир ой муҳлат берилади. Низолар ва камчиликларни бартараф этиш учун пайшанба кунини танласангиз, ютқазмайсиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ижод қилиш ва ҳосилни йиғиб олиш учун қулай ҳафта. Шундай бўлса-да, бирон-бир жиддий ишни якунлаш, яъни хулоса чиқаришдан аввал обдон мулоҳаза қилинг, ҳовлиқманг. Иккиланаётган бўлсангиз, якуний тўхтамни ноябрда чиқаришингиз мумкин. Чоршанба куни сохта ваъдалардан эҳтиёт бўлинг.

АРСЛОН. Мақсадларингизни амалга ошириш йўлида ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмасангиз-да, қисқа муддатда муваффақиятга эришаман, деб ўйламанг. Сабаби — ишларингизнинг аксариятини барибир янги ойда бажарасиз. Пайшанба куни анчадан буён кўришмаган яқинларингиз билан учрашиб, кайфиятингиз кўтарилади.

ПАРИЗОД. Бу ҳафтада яшаш ва иш жойингизни ўзгартириш учун гўёки қулай имконият туғилган бўлса-да, кўчиш ва қадрдон корхонангиздан кетишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Ундан кўра бор эътиборингизни дунёқарашни кенгайтиришга ва малака оширишга қаратинг.

ТАРОЗИ. Душанба куни тиним билмай ишлашингиз натижасида олқишларга сазовор бўлишингиз, чоршанба куни эса шунга яраша муносиб тақдирланишингиз кутилмоқда. Кўнгилсиз воқеалар иштирокчиси бўлиб қолмай, десангиз, шанба куни жиддий сабабларсиз уйдан чиқмаганингиз маъқул.

ЧАЁН. Ишқий саргузаштларга бой бўлиши кутилаётган ҳафта давомида ҳар томонлама фойдали сафарларга чиқиш, чоршанба ва жума кунлари эса молиявий аҳволингизни яхшилаб олиш имконига эга бўласиз. Ойнинг охирги кунларини касбий фаолиятингизни обдон ўрганиб чиқишга бағишланг.

ЎҚОТАР. Ҳафта давомида режалаштирилган ишларингизнинг аксарияти осон кўчса-да, пайшанба кунидаги манфаатли келишувни жиддий баҳс-мунозаралардан кейингина имзолашга муваффақ бўласиз. Ҳафтанинг сўнгги кунларини дўстлар ва яқинлар даврасида ўтказиб, кўнгилдагидек дам оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Келаси ҳафтада яқин қариндошларингиз билан ҳамкорлик қилган ҳолда сезиларли ютуқларга эришишингиз кутилмоқда. Айтайлик: сешанба куни савдо-сотиқ борасида ишларини "беш" қилган бурж вакиллари якшанба куни катта маблағ талаб этаётган лойиҳа учун пул топишга муваффақ бўладилар.

ҚОВҒА. Масъулиятли ишларни адо этиш давомида кутилмаганда оила аъзоларингизнинг қаршилигига дуч келасиз. Шундай экан, кейинги ҳафтада сиздан дипломатик қобилиятингизни қўлланган ҳолда норози томонлар билан музокаралар олиб бориб, ишни сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган даражада якунлаш талаб этилади.

БАЛИҚ. Ҳафта ўрталарида соғлиғи ёмонлашган яқин қариндошингиз аҳволини яхшилаш билан банд бўласиз. Жума куни уй ишлари билан шуғулланасиз. Вақтингиз қанчалик тиғиз бўлмасин, фарзанд тарбияси ҳақида қайғуришни ёдингиздан чиқарманг.

БИЛАСИЗМИ?



Жирафа гавдасига кўра фил, бегемот ва каркидондан кейин тўртинчи ўринда турувчи энг йирик қуруқлик жонивори ҳисобланади. Шу билан бирга энг дароз (одатда эркакларининг бўйи 5,5-6, урғочиларини эса 4-4,5 метрга тенг бўлади) ушбу ҳайвоннинг 1,5 метрли бўйни бошқа сут эмизувчиларда, жумладан, инсонларда бўлганидек, атиги еттита умуртқа суягидан иборат. Ундан ҳам қизиғи — жирафалар одам қулоғи эшитмайдиган жуда паст даражада (20 Гц. гача) товуш чиқариб, ўзаро муомала қилиш қобилиятига эгадир.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ
361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ
361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИЕВ, Ш.РАҲИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1267
Тираж: 11947

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 раками билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71:
361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com

МАМЛАКАТИНИ обод қилган,
юртини файзиёб этган миллатгина
баркамол одил ва ориф халқ бўлади

МУНОСАБАТ

ВАЗИЯТГА НАЗАР

Бузмоқ бору қурмоқ йўқ...

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ОҚДАРЁ ТУМАНИДА МИЛЛИОНЛАР САРФЛАНИБ ҚУРИЛГАН СПОРТ МАЖМУАСИ БУЗИЛИБ, ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИНДИ. ТОМОШАБИНЛИКНИ «ФАЗИЛАТ» ДЕБ БИЛАЁТГАН ТУМАН, ВИЛОЯТ РАҲБАРЛАРИ ЭСА ҲОЗИРЧА СУКУТ САҚЛАШДАН НАРИГА ЎТМАЯПТИЛАР. СУКУТ АЛОМАТИ ЭСА...

Лоқайдлик — иллат! Ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга томошабин бўлиб туриш ҳам ундан қолишмайди. Бугун биз огоҳлик, ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчимизга содиқ бўлиш, ҳар қандай масалага она-юртимиз, келажаги буюк Ватанимиз манфаати нуқтаи-назаридан муносабатда бўлиш ҳақида кўп гапираяпмиз. Халқ мулкини талон-тарож қилаётганларни, оёғи ердан узилган айрим раҳбарларни қоралаяпмиз. Мақсадимиз, токи улар йўл қўйган хатоларни ўзгалар такрорламасинлар. Ўзларига билдирилган ишонч ўзгаларнинг ҳам ишончи эканини ёдда сақласинлар, деймиз. Аммо, минг афсуски, беш қўл баробар эмас экан.



■ **Назокат ШЕРБОЕВА, Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»нинг махсус мухбирлари**

Самарқанд шаҳридан унчалик олис бўлмаган Оқдарё туманида бугунги кунда 111 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда иккита консерва, битта ғишт заводи, бир неча қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Учта касб-ҳунар коллежида ёшлар ўзлари танлаган соҳалар бўйича таҳсил олмоқдалар. Туманда 51 та мактаб бўлиб, уларда 26 129 нафар ўғил-қиз ўқияпти. Бошқача айтганда, аҳолининг 55 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу эса келгусида туман иқтисодиётини, ижтимоий ҳаётини ҳар томонлама ривожлантирувчи асосий куч тобора бўй чўзаётганидан далолатдир. Ана шундай бир пайтда ўсмир-ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари масаласи ҳақида кўпроқ ўйлаш керак бўлади.

Республикамизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Сабаби — ҳеч бир соҳа мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитолмайди. Қолаверса, спорт билан мунтазам шуғулланадиган инсон соғлом ва баркамол бўлади. Шу боис республикамизда спортни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари", касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод", олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" спорт мусобақалари ҳам бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Уларни ўтказишдан мақсад эса, юртимизнинг энг чекка қишлоқларидаги фарзандларимизни ҳам спортга жалб этиш, келгусида уларнинг ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлиб етишишларига кенг йўл очишдир. Аммо Оқдарёдаги айрим мутасаддилар бу масаланинг нечоғли муҳимлигини англаб етмаётган кўринадилар. Акс ҳолда...

— 2002 йилда Р. Ҳамроев номли ширкат хўжалигининг Пўлат Дархон қишлоғида ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуаси қурилган эди. Бундан каттаю кичик, айниқса, болалар ниҳоятда хурсанд бўлишганди. Афсуски, ҳамқишлоқларимизнинг қувончи узоққа чўзилмади. Қисқа вақт ичида дастлаб теннис майдончаси атрофидаги панжаралар кесиб олиб кетилди, — дейди шу қишлоқлик Сайфиддин ота Зайниддинов.

— Мен стадионга яқин яшайман. Очиғини айтганда, ҳамманинг кўз ўнгида обод жойни харобага айлантиришди. Ҳатто қишлоқдошларимиз у ёқ-бу ёққа мурожаат қилишди, фойдаси бўлмади, — дейди фуқаро Дилбар Эшмуродова.

Р. Ҳамроев номли ширкат хўжалигидаги Пўлат Дархон, Бош Дархон, Янги Дархон, Қир Дархон, Найман Дархон, Жўравой Дархон, Чоржу қишлоқларида 13 минг 500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фарзандларимиз 40, 41, 42-мактабларда ўқишади. Биз назарда тутган спорт мажмуаси, яъни стадион ва теннис корти эса ўртада — 40-мактаб ёнгинасида жойлашганди. Биргина шу мактабнинг ўзида 1500 нафар ўқувчи бор.

Балки спорт мажмуасини айнан шу ерга қуришни режалаштирган мутасаддилар келгусида Оқдарёдан ҳам чемпионлар етишиб чиқишига умид боғлагандирлар. Аммо, умумхалқ мулкини ўзиники қилиб олишдан бошқа нарсани ўйламайдиган айрим кишиларнинг очкўзлиги туфайли давлатнинг миллион-миллион сўмлик маблағи сарфланган жой оёқости қилинди.

1999-2002 йилларда Р. Ҳамроев номли ширкат хўжалиги раиси лавозимида ишлаган Фурқат Аҳмедовнинг таъкидлашича, спорт мажмуасини қуриш учун хўжаликдан 12 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган. Бу маблағлар 40 тонна цемент, 6 тонна арматура, устунлар учун қувурлар сотиб олишга сарфланган. Қурилишни юқорида санаб ўтилган саккизта қишлоқ аҳолиси ҳашар йўли билан амалга оширган.

Рўй бераётган хўжасизликдан қаттиқ ранжиган аҳоли вакиллари стадионни қайта тиклашни сўраб, шу йил бошида Халқ демократик партияси аъзоси, туман ҳокими Ш.Негматов жанобларига мурожаат қилишди. Ҳоким эса, ўз навбатида, туман халқ таълими бўлими бошлиғига панжараларни жойига ўрнатиб қўйишни топширади. Мана, йил охирлаяптики, на туман ҳокими, на туман халқ таълими бўлими раҳбарлари стадионни асл ҳолига келтириш учун биронбир чора кўрмадилар.

40-мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Шароф Қобилов стадион тўсинларини кесиб, кимнингдир топшириғи билан қаергадир элтиб бергани эшитдик. Бу ҳам етмагандек, ҳозир стадион ерига харидорлар чиқаётганмиш. 40-мактаб ўқитувчиларининг айтишича, теннис корти ўрнида тўйхона қуриш мўлжалланаётганмиш...

Кўриб турганингиздек, Оқдарёда кўнгилочар жойлар, жумладан, спорт майдонлари масъул лавозимдаги кишиларнинг бефарқлиги оқибатида ростмана талон-тарож қилинмоқда. Эртасини ўйламаётган, халқнинг пешона тери эвазига қурилган иншоотларни ўз шахсий мақсадлари йўлида бузиб юборишга йўл очиб бераётган раҳбарлар бундай хатти-ҳаракатларнинг оқибатини ўйламаётган кўринадилар.

— Қуриш ўрнига бузаётган, нафс қурбонига айланиб, ҳар бир қарич ерни пуллаш пайига тушган раҳбарларнинг хатти-ҳаракатидан кўпларнинг кўнгли оғримоқда, — дейди 40-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Мукамбар Раҳматова. — 1974 йилда хўжалигимиз марказида уруш қатнашчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик майдони аҳволига ҳам ҳозир маймунлар йиғлайди. Кимгадир сотиб юборилган бу иншоотнинг мармар плиталари кўчиб, ташландиқ ҳолатда ётибди.

Ўзим — хон, қўланкам — майдон тарзида юзаки фикр юритаётган айрим мутасаддилар эртами, кечми бундай холатлар учун ҳеч бўлмаса томошабинликка берилганлари учун жавоб беражакларини ўйлаб кўрсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди.

ФОТОАЙБНОМА

Эътиборсизлик қачонгача?

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ МУТАСАДДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Эътирозимизни бошиданоқ айтиб қўя қолайлик. Гап айрим фуқароларнинг лоқайдлиги ва масъулиятсизлиги сабабли юзага келган хунук бир ҳолат ҳақида.

■ **Шуҳрат РАҲИМОВ, «XXI asr» мухбири**



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Аҳмад Югнакий мавзесидаги 20, 120 ва 256-мактабларда келажак авлод вакиллари таълим-тарбия олишади. Улар дарсдан бўш пайтларида мириқиб ўйнашни, болалик завқини суришни хоҳлашади. Афсуски, ҳозирча бунинг иложи йўқ. Нега десангиз, ҳар учала мактабнинг ён-атрофи сунъий чиқиндихонага айлантирилган.

Улар мактабдан эмас, яқин атрофдаги уйлардан чиқариб ташланади.

— Наҳотки шунчаликка боришса?

— Боришаяпти, — дея афсус билан бош чайқайди фуқаро К. Аҳмедов. - Мактаб атрофида 50,51,52-"дом"лар жойлашган. Айрим хонадон эгалари уйларидан чиққан ахлатни шу ерга ташлаб кетаверишади. Уларни инсоф ва диёнатга чақирадиган одамнинг ўзи йўқ. Маҳалла фаоллари, қолаверса, мактаб педагоглар жамоаси томошабин бўлиб туришганига ҳайронсан...

Нафақадаги ўқитувчи В. Николаев унинг фикрини давом эттиради.

— Ахлат тўкиш учун тегишли қутилар бор. Аммо баъзи бировлар бу тартибга риоя қилишмайди. Атрофга тараладиган нохуш ҳидга чидаб бўлмайди. Турли касаллик тарқатувчи пашша-чивинларнику, қўяверинг. Ахир мактаб болаларимиз униб-улғаядиган муқаддас маскан-ку. Наҳотки шуни тушунишмаса?..

Биз вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида туман ҳокимлигига сим қоқдик. Афсуски икки кун давомида мутасаддилар билан боғлана олмадик. Ҳоким ёрдамчиси Ж. Зокиров бу масала назоратга олинганини, мактаблар атрофи тез орада ахлат ва чиқиндилардан тозаланишини маълум қилди, холос.

Шунисига ҳам шукур. Бизни бошқа нарса кўпроқ ўйлантиради. Туман ҳудудидаги тозалик-санитария ҳолати учун ким жавоб бериши керак? Ишқилиб, бу гал ваъда ваъдалигича қолиб кетмасин-да!..

ИСЛОҲОТ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари солиқ юкини макро ва микроиқтисодий даражада камайтириб боришни кўзда тутади. Тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган қулайлик ва имтиёзлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан даромад (фойда) солиғи миқдори 15 фоиздан 12 фоизга, юридик ва жисмоний шахслар учун дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинадиган даромадлардан солиқ ставкаси 15 фоиздан 10 фоиз, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоиздан 25 фоизга камайтирилгани ҳамда 2006 йил 1 январдан экология солиғи ва савдо йиғимининг бекор қилинганлиги тадбиркорларимиз учун айни муддао бўлди.

Солиқ юки янада камаяди

■ **Аббос ВАЛИЕВ,Тошкент вилоят ДСБ бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди**

Тошкент вилояти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, даромад (фойда) солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилгани натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тушумлар 2005 йилнинг айни даврига нисбатан қиёсий нархларда 2,9 млрд. сўмга кўпайди, давлат бюджети даромад қисми прогноз кўрсаткичлари 100,5 фоизни ташкил этди.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, республика йўл жамғармаси ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар ўрнига ягона солиқ тўловининг жорий этилгани иқтисодий соҳадаги муҳим тадбирлардан биридир.

Бунинг натижасида 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида ягона солиқ тўловчиси ҳисобланган корхоналарда солиқ ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар ялпи тушумнинг 15,2 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги пайтда 13 фоизгача камайтиришга эришилди. 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида тегишли тушумлар ўтган йилнинг айни давридагига нисбатан қиёсий нархларда 0,9 млрд. сўмга кўпайганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Солиқ юкини пасайтириш ҳисобига 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида даромад (фойда) солиғи бўйича 3,9 млрд. сўм маблағ корхоналар ихтиёрида қолди. Натижада уларнинг айланма маблағларини, ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошларини ошириш, иқтисодиётни мақсадли ривожлантириш имконияти яратилди.

Ушбу тадбирларнинг давоми сифатида келгуси йилда солиқ ставкаларини янада пасайтириш кўзда тутилмоқда. 2006 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда 2007 йилда солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Шунга асосан келгуси йили юридик шахсларнинг фойдаси (даромади)га солинадиган солиқ миқдорини 12 фоиздан 10 фоизгача, ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўловларни 25 фоиздан 24 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун қулай молиявий шарт-шароит вужудга келади. Мана, бир мисол. Агар 2006 йилда бир корхона ўз фаолияти давомида 12 млн. сўм фойдага эга бўлиб, шундан 12 фоизлик ставка бўйича 1440 минг сўм солиқ тўлаган бўлса, 2007 йилда худди шунча миқдордаги фойдадан 10 фоизлик ставка ҳисобидан 1200 минг сўм ёки олдинги йилга нисбатан бюджетга 240 минг сўм кам солиқ тўлайди. Шунингдек, 2007 йилда мақсадли жамғармага ягона ижтимоий тўлов ҳисобидан 24 фоизлик ставка бўйича 10 минг сўм кам тўлов ўтказиладиган бўлди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи миқдорининг пасайтирилиши эса аҳоли реал даромадларининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз. Солиқ солинадиган базанинг ўртача миқдори 20 фоиздан 18 фоизга, юқори миқдори 29 фоиздан 25 фоизгача камайтирилиши вилоят бўйича 4,2 млрд. сўм маблағнинг аҳоли ихтиёрида қолишига имкон беради.

Савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарини ривожлантириш мақсадида солиқ сиёсатининг соддалаштирилган тизими таклиф этилмоқда. Ҳозирда мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури, уларни ҳисоблаб чиқаришнинг мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўловини жорий этиш кўзда тутилаётир. Яъни аҳоли сони 100 мингдан ортиқ кишини ташкил қиладиган шаҳарларда савдо корхоналари учун — 5 фоизли, қолган аҳоли пунктларида - 3 фоизли, бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда — 1 фоизли ягона солиқ тўлови йўлга қўйилади. Бундан кўзланган асосий мақсад, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, илғор ташаббусларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини янада ривожлантиришдан иборатдир.

ЖАРАЁН

ВАТАН олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир

ҚАРОР ВА ИЖРО

Аскарлик — йигит кўрки

— ДЕЙДИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МУДОФАА ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ, ПОЛКОВНИК БАҲРОМЖОН ЖУМАНИЁЗОВ

— Президентимизнинг “Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида”ги бу галги қарори аввалги йилларга қараганда анча олдинроқ эълон қилинганлиги учун ҳам 2006 йилги кузги чақирув мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш имконини берди. Рўй-рост айтганда, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси республикамиз мустақилликка эришиб, ўз Қуролли Кучлари ташкил этилган пайтдан бошлаб амалга оширган ишлари натижалари бўйича мамлакатимизда юқори ўринларни эгаллаб келаётир.



■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

Қуролли Кучларимиз сафини ақлан теран, жисмонан бақувват йигитлар ҳисобига тўлдиришни назарда тутган ҳолда, бу ишга шаҳар ва туман ҳокимликларининг тегишли қарорларига мувофиқ жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб киришдик. Аввало, мудофаа ишлари бўлимлари ходимлари билан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, участка нозирлари ва даволовчи шифокорлар иштирокида суҳбатлар ўтказилди. Чақирилувчи йигитларнинг оилавий шарт-шароити, феъл-атвори пухта ўрганилишига жиддий эътибор қаратдик. Яъни 2006 йил кузги чақирув мавсумини зўр уюшқоқлик билан ўтказишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди.

— Йигитларнинг ҳарбий хизматга тайёргарлик даражаси аввалгиларидан қай жиҳатдан фарқланаяпти?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов бошчилигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад ихчам, тезкор, ҳаракатчан, замонавий қурол-яроқ ва техника билан таъминланган армияни барпо этишдир. Бугун Қуролли Кучларимиз сафига ақлан етук, соғлом ва бақувват йигитларни юборишимиз зарур. Сўнгги йилларда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва энг муносибларини саралаб олишда кўпроқ уларнинг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлигига эътибор берилганди. Энди эса ёшларнинг нафақат соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, балки уларнинг билим савияси, фикрлаш қобилияти, оилавий шароити ва руҳий бардошлилигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга боришлари учун тиббий кўрикдан ўтганларидан кейин Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган кўрсатма ва буйруқларга асосан саралов-танловдан ўтишлари лозим. Белгиланган балл тўплай олганларгина ҳарбий хизматга юборилади.

— Сафарбарлик чақируви захирасининг вилоятдаги аҳволи тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мана, уч йилдирки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви захирасидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан республикамиз Қуролли Кучлари тизимида сафарбарлик чақируви захираси хизмати ташкил қилиниб, ҳозир вилоятимиз бўйича минглаб ёшлар ўз хизмат бурчини ўтамоқдалар.

Вилоятимизда бундай хизмат ташкил қилинганидан ҳозирги кунга қадар муддатли ҳарбий хизматни ўташга лаёқатли, кечиктириш ёки хизматдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ҳарбий хизматга навбатдаги муддатга чақирилмаган ёшлар сафарбарлик чақирув захираси хизматига ўтказилмоқда. Бу ерда хизмат ҳудудий тамойил асосида бир ойлик йиғинлар шаклида ташкил этилади.

— Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашда халқ таълими муассасаларидаги дарс жараёнлари, улардаги кадрлар масаласи, Сизнингча, бугунги кун талабига жавоб бераяптими?

— Жуда ўринли савол. Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашда халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларидаги дарс жараёнлари сифатини ошириш, уларни кадрлар билан бутлаш масаласи ҳозир олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир. Мустақилликка эришганимиздан кейинги дастлабки йилларда халқ таълими муассасаларида ёшларни чақирувга тайёрлаш фанини ўқитиш бироз эътибордан четда қолган эди. Бу эса аста-секин салбий натижаларга олиб кела бошлади. Шуни ҳисобга олиб, ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда ўқув муассасаларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш фанини ўқитиш, бу соҳадаги кадрларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мавжуд камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари, республика Давлат тест маркази томонидан қабул қилинган қўшма қарорга асосан 2005 йил ноябрь-декабрь ойларида республикамиздаги ёшларни чақирувга тайёрлаш фани ўқитиладиган барча умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлардаги дарс жараёнлари, моддий базанинг ҳолати ва ушбу фан ўқитувчиларининг билим савиясини махсус комиссиялар ўрганиб чиқди. Улар тест синовлари ва аттестациядан ўтказилди.

Жумладан, бундай ташкилий ишлар Наманган вилоятида ҳам амалга оширилди. Ана шу жараёнда, афсуски, қатор камчиликлар борлиги кўзга ташланди. Шундан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларида ёшларни чақирувга тайёрлаш бўйича ўқув-моддий базани яратиш ҳамда такомиллаштириш учун кўп иш қилинмоқда. Бироқ умумтаълим мактабларида бу борада ҳамон оқсоқликка йўл қўйилмоқда. Ўтказилган тест синови ва аттестация натижалари ёшларни чақирувга тайёрлаш фани бўйича ўқитувчиларнинг билим савияси ҳозирги давр талаби даражасида эмаслигини кўрсатди.

БОҒДОРЧИЛИК

Давлатимиз раҳбарининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Денов туманида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 132 фермер хўжалиги ва битта агрофирма ташкил этилди.

Соҳибкор саноатчи бўлади

■ Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири

Боғ ва узумзорларга эгалик қилган фермерларда мулкка муносабат тубдан ўзгарди. Мевали дарахт ва токзорларни парваришлашга эътибор кучайди. Фермерлар етиштирган мўл ҳосил мамлакатимиз шаҳарларидаги ярмаркаларда сотилмоқда. Бундан ташқари шу йилнинг ўтган даври мобайнида 220 тонна ҳўл мева, 22 тоннадан ортиқ мева қоқи “Олтин куз Денов” агросаноат фирмасига топширилди ва бу жараён айни дамда ҳам қизғин давом этмоқда.

Шу кунларда пойтахтимизда ўтаётган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси деновлик фермерларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар кўргазма-савдода иштирок этиб, узум ва мевани қайта ишлайдиган минитехнологияларни харид қилиш ниятида. “Олтин куз Денов” агрофирмаси эса маҳсулотларни жойлаштириш учун пластмасса яшик ишлаб чиқарадиган ва мевани қуритиб, замонавий усулда қадоқлайдиган технология сотиб олмоқчи.

ҚЎШМА КОРХОНА

Генерал Собир Раҳимов номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида янги қўшма корхона фойдаланишга топширилди. Унинг қурилиши 2004 йилда бошланган эди. Ўзбекистон, Россия ва Буюк Британия ҳамкорлиги меваси бўлган мазкур қўшма корхонада асосан суюқ доридармонлар ишлаб чиқарилади.

Бир соатда 1700 флакон

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХОРИЖИЙ САМОЯДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТУЗИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР СОНИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ.

■ Примкул ДЎСТМАМАТОВ, «XXI asr» мухбири

Қўшма корхона ҳозир ҳар соатда 1200 дона флакон дори тайёрлаш имкониятига эга. Маҳсулотнинг 70 фоизи республикамизнинг тиббиёт муассасаларига жўнатилса, қолган 30 фоизи Россия Федерацияси, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинади. Ўзаро контрактация шартномалари эса аллақачон имзолаб қўйилган.

Корхонада йилига 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Келажакда ғоят қимматли дори-дармонлар кўпроқ экспорт қилинади.

Қўшма корхонада 80 та янги иш ўрни яратилиб, қишлоқда ишсизлик муаммоси анча юмшади. Чунки шунча ишсиз аҳоли ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг 60 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.

Собир Раҳимов номидаги масъулияти чекланган жамият, “Мафтуна” фирмаси, Россиянинг “ВИПС-МЕД” жамияти, шунингдек, Буюк Британиянинг “SKULINE INDUSTRIES LLP” компанияси ҳамкорлигида ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхонанинг очилиши фақат шу қишлоқ аҳолиси эмас, балки бутун Сирдарё меҳнаткашлари учун ҳам катта шодиёнага айланди. Тадбирни Сирдарё туман ҳокими Ҳамробой Раззоқов очиб, қўшма корхона нафақат туманда, ҳатто вилоятда ҳам йирик саноат корхоналаридан бири бўлиб қолишини, бу ерда ишга жойлашган аҳоли сони яқин келажакда 2-3 баробар кўпайишини таъкидлади.

Корхонанинг тантанали очилишига бағишланган моросимда хорижлик сармоядорлар, қурилиш ишларини белгиланган муддатда тугаллаган қурувчиларга қимматбаҳо либослар кийдирилди ва улар ҳомийларнинг мукофотлари билан тақдирландилар.

ҚУТЛОВ



ННТлар фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан қатъий тартибга солинган тақдирдагина уларнинг жавобгарлиги таъминланади

ННТ

Дарз кетаётган ойнадаги акс

ЁКИ ХОРИЖИЙ ННТЛАРГА ДУНЁ УСТИДАН ГЕГЕМОНЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ, САЙЁРА РЕСУРСЛАРИГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ЖАҲОН БОЗОРЛАРИНИ ЭГАЛЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ҚАРАЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

XXI асрга келиб, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайди-ки, глобаллашув деб аталмиш бу жараёндан бирон-бир давлат четда қолаётгани йўқ. Бу эса давлатлар ва минтақалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг чуқурлашуви, ягона умумжаҳон иқтисодий, маданий ва ахборот маконларининг шаклланиши билан боғлиқдир. Айтиш жоизки, бу жараённинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари борки, бу ҳақда сўз юритмаган сиёсатчилар-у таҳлилчиларнинг ўзи қолмади, ҳисоб. Товарлар ва маҳсулотларнинг эркин айланиши, ахборот технологияларидан фойдаланиш имкони масаланинг ижобий томони бўлса, ўзга мамлакатлар ва халқларнинг миллий манфаатларини назар-писанд қилмаслик, ўзига хос мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга уриниш, эркинлик ниқоби остида ёт ва зарарли ғояларни, энг ёмони эса, бегона турмуш тарзини ўзга халқларга зўравонлик билан жорий этишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ана шу жараённинг салбий жиҳатлари бўлиб қолмоқда.

ХОЛИС ФИКР

■ Шерзод АРАПОВ

Табиийки, ғарблаштириш аксарият ҳолларда халқларнинг ўзига хослиги, миллий хусусиятлари, маданий анъаналарини ҳисобга олмасликдан, уларга путур етказишдан бошланаяпти. Бугун ўз манфаатлари нуқтаи-назаридан бошқа халқларни мутеликда яшашга ундаётганлар чиройли ва жарангдор "демократия", "инсон ҳуқуқлари", "сўз эркинлиги" каби сўзлар билан ўз ғоялари, қадриятлари ва маданиятларини бошқаларга сингдиришга ва шу йўл билан уларнинг бойликларига эга чиқишга уринаётганлари ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Буни улар маҳаллий ёки гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларга кўмаклашиш пардасига ўраб, ўзлари очган нодавлат нотижорат ташкилотлар қўли билан амалга оширишга уринмоқдалар. Мақсади "учинчи дунё" мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда собиқ иттифоқ республикаларига демократияни ёйиш бўлган мазкур давлатлар ўзларига номақбул режимларни ағдаришнинг камхарж воситаси сифатида айнан ННТларни танлаётганлари бежиз эмас.

Хўш, жаҳонга гегемонлик қилишни ният қилган айрим кучларнинг "учинчи дунё" мамлакатлари ва МДҲга катта эътибор қаратаётганларининг боиси нимада? Нега улар айнан мана шу ҳудудларда "палак" отишга зўр бермоқдалар? Таҳлилчиларнинг фикрича, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг кўпчилигида мафкуравий бўшлиқ бўлиб, мамлакатлар асосини ташкил этувчи ёшлар онгига "европача маданият", "ғарбона турмуш" тарзининг афзаллиги сингдирилса, уларни оғдириш осон кечади. Бунда эса минг бир пардаларга ўралган ғояларни илгари сураётган маҳаллий ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлар муҳим роль ўйнаши қатор синовлардан ўтди, дейиш мумкин. Аслида маҳаллий ННТларнинг вазифаси фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат бўлса-да, айрим сиёсий кучлар улар фаолиятидан шу қадар усталик билан фойдаланмоқдалар-ки, уларга турли молиявий ёрдамлар ваъда қилиб, ипсиз боғлаб олишга эришмоқдалар. Энг хатарли томони шундаки, уларнинг фаолияти кўпроқ конституцион тузумларни зўрлик билан ағдариб ташлашга, миллий хавфсизликка, давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига путур етказишга қаратилганидадир. Шунинг учун бугун Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Яқин Шарқнинг бир қатор мамлакатларида ННТлар фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, конституцион тузумга хавф туғдираётганларини ёпиш масаласи кун тартибига чиқди. Масалан, Россия Федерациясида узоқ кутилган "Халқаро ноҳукумат ташкилотлар фаолияти устидан назорат тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Унга кўра, 2006 йилнинг бошидан 18 октябрга қадар мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган барча ноҳукумат ташкилотлар қайтадан рўйхатдан ўтишлари лозим эди. Бу муддатдан кечга қолганлар ўз-ўзидан тақиқланган дея ҳисобланиши назарда тутилганди. Бироқ белгилаб қўйилган муддатда барча ташкилотлар ҳам рўйхатдан ўтолмадилар. Маълумотларга қараганда, Россия ҳудудида фаолият кўрсатаётган 800 дан ортиқ ноҳукумат ва нотижорат ташкилотнинг атиги 91 таси рўйхатдан ўтган, холос. Шубҳасиз, бу ҳолат Россияда ҳам Украина, Грузия ва Қирғизистондаги каби "рангли инқилоб"лар содир этилишини истаётган сиёсий кучларга хуш келмади. АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг Москвага ташрифи давомида ҳам "Амнести Интернешнл" ва "Хюман Райтс Вотч" каби ташкилотларнинг фаолиятига рухсат бериш масаласи муҳокама қилинганига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Лекин расмий Москва бу муҳим масалада ён бермоқчи эмас. Аксинча, миллий нодавлат ноҳукумат ташкилотлар фаолиятини ўзи маблағ билан таъминлашга қарор қилди. Бунинг учун эса федерал бюджетдан 17 миллион АҚШ доллари миқдорида молия ажратилди. Тўғри, бу Россиядек улкан мамлакат учун унчалар катта маблағ эмас. Ваҳоланки, АҚШ Конгресси Россиядаги демократик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун оз эмас-кўп эмас, 35 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди.

Мана шундай қонунлар Қозоғистонда ҳам қабул қилинди. Республика расмийларининг таъкидлашларича, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий мақсадларни кўзлаган халқаро ННТлар фаолияти тақиқланган. Чунки улар фуқароларнинг сиёсий дунёқарашига ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги давлат сиёсатига салбий таъсир кўрсатиш имконига эга. Улардан айримларининг фаолияти, шубҳасиз, конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартириш, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини бузиш, миллий хавфсизликни издан чиқаришга қаратилгандир.

АҚШнинг демократияни ёйиш режасидан ўрин олган Яқин Шарқ мамлакатларида кейинги пайтларда Халқаро республика институти, Миллий демократик институт, Демократияни ривожлантириш жамғармаси, "Уйғониш" халқаро жамғармаси ва Фридом Хаус ташкилотларининг фаолияти тақиқланди ёки чекланди. Хусусан, яқинда Миср Ташқи ишлар вазирлиги Американинг иккита ноҳукумат ташкилоти — Халқаро республика институти ва унинг эгизаги — Миллий демократик институт фаолияти тўхтатилишини эълон қилди. Қоҳирадаги Инсон ҳуқуқлари тадқиқоти институти директори Баҳиддин Ҳасанининг таъкидлашича, мазкур ташкилотлар мамлакатдаги сиёсий ислоҳотлар жараёнини танқид қилиш, ҳукуматни сўз эркинлигини бўғишда айблаш, динлараро зиддиятларни келтириб чиқаришга уриниш орқали хавфсизликка таҳдид солишга ҳаракат қилган. Мамлакатдаги "Al Osbou" ҳафталик газетаси эълон қилган ҳисоботга кўра, миллий демократик институт ўз бюджетидаги жами маблағнинг 50 фоизини Қўшма Штатлар олиб бораётган Ироқдаги урушга сарфлаган. Газетанинг қайд этишича, чекланмаган сўз эркинлиги ва ундан босим кўрсатиш сифатида фойдаланаётган хорижий ноҳукумат ташкилотлар фаолияти жамиятда сиёсий жиҳатдан ўзгача фикрловчиларнинг кўпайишига олиб келди-ки, бу ҳол давлатнинг конституцион асосларига тўғридан-тўғри таҳдид сола бошлади. Таъкидлаш керакки, 1984 йилда ташкил топган ва дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида иш олиб бораётган Миллий демократик институт фаолиятига бошқа мамлакатларда ҳам салбий баҳо берилмоқда. Ўз вақтида Озарбойжонда жамғарма ходимлари ҳам мамлакат қонунларига, ҳам жамғарма низомига зид тарзда мухолифатни молиялашда айбланган. Сал бўлмаса, АҚШ —Озарбойжон муносабатлари издан чиқаёзганди. 2006 йилнинг май ойида эса Баҳрайн парламенти МДИнинг миллий манфаатларга зид фаолиятини тақиқлашга ва институт ваколатхонасини ёпишга қарор қилди.

Масаланинг яна бир томони шундаки, АҚШ ташкилотлари ҳам америкапараст ҳукуматни, ҳам мухолифатни бирваракайига молиявий қўллаб-қувватлаётгани билан ном қозонган. Масалан, юқорида номлари тилга олинган Миллий демократик институт Украинадаги сўнгги сайловларда ҳокимият партияси билан бирга Минтақалар партиясини қўллаб-қувватлаган. Унга сайловда ғалаба қозониш йўл-йўриқларини ўргатган. АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним бошчилик қилаётган мазкур институт 1999 йилда Сербияда Слободан Милошевични ағдаришда, Грузиядаги «атиргул инқилоби»да фаол роль ўйнаган "Кмара" ёшлар ташкилоти раҳбарларининг Сербияда ўқишини таъминлашда, Украинадаги "Пора" ҳаракатини молиявий қўллаб-қувватлашда фаол қатнашганлигини бугун дунёнинг қатор оммавий ахборот воситалари эътироф этмоқдалар.

Мамлакатнинг аввалги юмшоқтабиат раҳбари олиб борган сиёсат туфайли бузғунчи нодавлат нотижорат ташкилотлар қўшни Қирғизистон Республикасида чуқур илдиз отиб бўлди, дейиш мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, 5 миллион аҳолиси бўлган республикада фаолият кўрсатаётган 7 мингга яқин ННТ, асосан Фарғона водийсига яқин бўлган Жалолобод, Ўзган, Ўш, Боткен вилоятлари ва шаҳарларида ўз низомларига зид, яъни аҳолини митинглар ва кўча юришларига чорловчи сиёсий фаолиятни давом эттирмоқдаларки, бу ҳол кўп миллатли Қирғизистонда диний ва миллатлараро низоларни, ўнглаб бўлмас ижтимоий портлашларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Таҳлилчиларнинг фикрича, мавжуд сиёсий вазият яна бир инқилобий инқирозни юзага келтирмоқда. Хусусан, хорижий нодавлат ташкилотлар молияси эвазига озиқланаётган сиёсий партиялар ва ноҳукумат ташкилотларни бирлаштирувчи "Ислоҳотлар учун" мухолиф ҳаракати 2 ноябрдан бошлаб президент Қурмонбек Бакиев ва бош вазир Феликс Қуловнинг истеъфосини талаб қилувчи митинглар бошлаш ниятидадир. Уларнинг фикрича, 2005 йил инқилобидан кейин мамлакатда "оилавий бошқарув" қарор топган, сиёсий қувғин ва оммавий ахборот воситаларига босим кучайган. Кузатувчиларнинг айтишича, бундай ҳаракатлар ортида АҚШнинг Қирғизистон янги раҳбариятидан норозилиги аломатлари мавжуд. Биринчидан, Қирғизистон пойтахтидаги март тўнтаришлари чоғида келиб чиққан тартибсизликлар боис рангли инқилоблар экспорти ғояси Қозоғистондаги ва Тожикистондаги президентлик сайловлари вақтида иш бермади. Яъни Бишкекдаги талотўплар туфайли бу мамлакат фуқаролари ўз етакчилари учун овоз бердилар. Бундан ташқари, Вашингтонни Қирғизистон етакчисининг ташқи сиёсий фаолияти ғазаблантира бошлади. Унинг Россия, Хитой ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликка устувор аҳамият қаратиши, шу йил ёзида эса Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Ғарбдаги қатор ноҳукумат ташкилотларга босим кўрсатилгани, икки нафар Америка дипломатининг республика ноҳукумат сектори билан алоқалар ўрнатгани боис мамлакатдан чиқариб юборилгани, шунингдек, Бакиев Америка ҳарбий ҳаво кучларининг Манас ҳарбий базасида қолиши учун ижара ҳақини кўтариши Вашингтондагиларга ёқмаган кўринади.

Хуллас, хорижий ташкилотлар ва уларнинг паноҳида кун кўраётган ННТларни уй ичидаги жиҳозларни остин-устун қиладиган шамолга қиёслаш мумкин. Ҳеч бир хонадон соҳиби эса, ўз уйининг бегоналар томонидан ағдар-тўнтар қилинишини истамайди. Тарихдан маълумки, у ёки бу миллатни ўзлигидан маҳрум этмоқчи бўлганлар, аввало, миллатни тилидан, тарихидан, маънавий қадриятларидан маҳрум қилишга, миллатга бегона ва ёт анъаналарни тиқиштиришга уринганлар.

Шунинг учун ўз мустақил йўли бўлган Ўзбекистонда ҳам биринчи навбатда, ёшларимизни ўзлигидан жудо қилишга қаратилган ҳар қандай уринишларни, у, гарчи арзимасдек туюлсада, мустақиллигимизга қаратилган жиддий хавф, дея қабул қилишимиз керак.

Рангли инқилобларни ёйиш, давлат тўнтаришларини амалга ошириш мақсадлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва мустақил ОАВни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар қандай уринишлар ортида энг аввало, биринчи ўринда моддий манфаат ётганлигини пайқамаслик гумроҳлик бўлур эди. Айнан худди шу йўл билан тўнтариш ортида турган ҳомийлар ўша мамлакатдаги қўғирчоқ раҳбарлар орқали ўз манфаатларини рўёбга чиқариш имконига эга бўладилар. Зеро сўнгги йилларда халқаро майдонда неоколониализм ибораси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий неоколониализмнинг бугунги кунда ўзаро боғлиқ учта мақсади бор: дунё устидан гегемонлик қилиш, сайёра ресурсларини қўлга киритиш ва жаҳон бозорларини эгаллаш. Бундай мақсадларга эришиш учун эса тенги йўқ кучлар ва етишиб бўлмайдиган технологик етакчилик зарур. У, шунингдек, бир қатор стратегик вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Мустақил давлатлар доирасидаги дезинтеграция жараёнларини рағбатлантириш, очиқлик шиори остида улар иқтисодиётини издан чиқариш ва мамлакатларнинг суверенитетини емириш каби вазифалар ҳам шулар жумласидандир.

Бошқа томондан, тараққий этган мамлакатлар саноатининг хомашё захираларига, ерости ва ерусти бойликларига бўлган талаби кундан-кунга кучайиб бораяпти. Айниқса, кейинги пайтларда Африка, Яқин Шарқ, Форс кўрфази, Каспийбўйи, Кавказ ва Марказий Осиёдаги давлатларда янги аср қиёфасини белгилаб берадиган энг катта энергия захиралари мавжудлиги бот-бот тилга олинмоқда. Таъкидлаш керакки, биргина Африка жаҳон саноатининг қўрғошинга бўлган талабининг 92, олмоснинг 70, марганецнинг 35 фоизини қондирар экан. Шунингдек, "қора қитъа"да Нигерия, Ангола, Жазоир ва Судан каби йирик нефть ва газ қазиб чиқарувчи давлатлар мавжуд. Мутахассисларнинг тахминига кўра, яқин келажакда жаҳон бозорига кириб борадиган нефтнинг чорак қисми Африка мамлакатлари ҳисобидан қопланади. Қолаверса, энергия захиралари, олтин, уран ва Менделеев даврий жадвалидаги бойликларнинг деярли барчасига эга Россия, Марказий Осиё ва Кавказнинг аҳамияти ҳам Африкадан ортса ортади-ки, асло қолишмайди. Бугун Ироқ уруши туфайли нефть захираларининг 60 фоизидан фойдаланиш имкони йўқлиги, Афғонистондаги беқарорлик оқибатида яна бир қувурни тушириш имкони қолмагани Ғарб дунёси ўз эътиборини мазкур минтақаларга қаратишига, бу ердаги давлатларни бир-бирига қарши қўйиб, уларни заифлаштиришга, шу йўл билан эса бойликларга эга чиқишга ундаётгани аниқ.

Негаки, биз энергия захиралари тақчиллиги ошиб бораётган бир даврда яшамоқдамиз. Ғарбнинг яқин йилларда "учинчи дунё" мамлакатлари қаторида саналган Хитой ва Ҳиндистон каби янги рақиблари пайдо бўлди. Экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 2025 йилга бориб, ривожланаётган давлатлар дунё энергия захираларининг 50 фоизини истеъмол қила бошлайдилар. 2040-йилларда эса биргина Хитой ва Ҳиндистоннинг ўзига сайёрамизда ишлаб чиқарилаётган ёнилғи ресурсларининг 60 фоизи тўғри келаркан. Мазкур курашда Ғарбнинг мағлуб бўлиши аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишига олиб келиши муқаррар.

Демак, бундан шундай хулоса ясаш мумкинки, ана шундай мураккаб бир шароитда турли хуружлар, босимлар бўлиши муқаррар. Бу эса бизни доимо сиёсий уйғоқ ва огоҳ бўлишга даъват этади.

М. ЮСУПОВ коллажи

ЮБИЛЕЙ



2700 ЙИЛЛИК ТЎЙИНИ НИШОНЛАШ АРАФАСИДА ТУРГАН ҚАРШИ ШАҲРИ АҲОЛИСИНИ АНА ШУ ҚУТЛУҒ САНА БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ ВА ЮРТИМИЗГА БУЮК ИНСОНЛАРНИ ТУҲФА ЭТГАН ШАҲАРНИНГ БУНДАН БУЁН ҲАМ ГЎЗАЛ, ОБОД ВА ФАРОВОН БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ.

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

ҚУТЛОВ